

ТАРИХ ВА ШАҲС

А. МУҲАММАДЖОНОВ, Қ. РАЖАБОВ

АМСИР ІЛҒЕМОН



**ТОШКЕНТ
«О'ЗБЕКИСТОН»
2013**

УЎК: 94(575)(092) Амир Темур
КБК 63.3(5Ў)4 - Ўзб. тароҳа
М-81

Лайиха муаллифи:
тарих фанлари доктори
Қаҳрамон Ражабов

Такризи:
Fулом Каримий

412327
TO 181

2014/12	Alisher Navoiy
A	nomidagi
1418	O'zbekiston MK

ISBN 978-9943-01-908-9

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013

Биз ким, Мулки Турон, Амири Туркестонмиз. Биз ким, миллатларнинг энг қадими ва энг улуги Туркнинг бош бўгинимиз.

Амир ТЕМУР

Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилат-хусусиятларини намоён қилишга замин яратади. Бундай қонуниятни кўплаб мисолларда тасдиқлаш мумкин.

Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Ислом КАРИМОВ





СЎЗБОШИ

Инсоният тарихида ўчмас из қолдирган машхур саркарда, буюк давлат арбоби сохибкирон Амир Темурнинг дунёга келиши, ҳаётий фаолияти ва авлодларга қолдирган беназир мероси ҳакида сўз юритилар экан, аввало, шуни таъкидлаш жоизки, унинг буюк даҳоси инсоният ўтмишида содир бўладиган оддийгина ҳаётий воқеа ёки кундалик ҳодисалардан мохиятан ҳамда окибатан тубдан фарқ қилган.

Амир Темур дастлаб Кеш (Шахрисабз) музофоти ва Қашқадарё воҳасининг кўкаламзор ўтлокларию мафтункор табиати, чопкир йилки ва тулпор уюрларига шайдо бўлиб, ёшлиқ чорлариданоқ ўта чапдаст чавандоз, нишонни мўлжалга бехато оладиган



мерган сифатида шаклланган. Шу боис у замонасининг ниҳоятда жасоратли ва кучли, забардаст ҳарбий йўлбошчиси бўлиб вояга етди.

Мовароуннахрдек азиз юрти Чингизхон бошлиқ мўғул босқинчила-рининг хужумлари оқибатида оёқ ости этилиб, эркинлигидан маҳрум қилингач, буюк саркарда сохибқирон мамлакатдан ёғийни қувиб чиқариш, юрт ҳудудларини мустаҳкамлаш, Ту-ронда кучли, марказлашган буюк давлатни ташкил этиш вазифасини уддалади. Тарихан янги босқичда содир бўлган кескин ўзгаришлар, шубҳасиз, ўша замон талаби, аждодларимизнинг ижтимоий-иктисодий ҳамда маънавий ҳаёти билан узвий бириккан ҳолатда чамбарчас уйғунлашган вазиятда на-моён бўлди.




СОҲИБҚИРОННИНГ ТУФИЛИШИ ВА ТАРИХ ШОҲСУПАСИГА ЧИҚИШИ

Амир Темур тарихий манбаларда *Темур*, *Темурбек*, Амир *Темур* ва Соҳибқирон номлари билан бир каторда, Амир *Темур Кўрагон*, Соҳиби жаҳон (Оlam эгаси) хамда Соҳиби адл (Адолат ўрнатувчи) каби катор улуғ ва қутлуғ номлар билан хам тилга олинади. Айрим форсий асарларда у Темурланг деб аталиб, Европа мамлакатларида Тамерлан номи билан шухрат топган. Бу номлар асосида Амир Темурнинг улкан ҳаётий жасорати муҳрланган. Чунки мазкур буюк тарихий шахс Ватан озодлиги ва мустақиллиги,

ахолисининг тинчлиги ва эркинлиги, мамлакатнинг бутунлиги ва ободлиги йўлида бир умр от устида муттасил фаолият кўрсатган, марказлашган буюк салтанат ташкил этиб, уни оқилона ва одилона бошқарган. У жангларда ўнг оёғи ва ўнг қўлидан ярадор бўлган эди.

Амир Темур Кеш (хозирги Шахрисабз) шахри яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғи (хозирги Яккабоғ тумани)да 1336 йил 9 апрель куни дунёга келди. Унинг киндик кони тўкилган жой қадимда Хушжуйи обигар, яъни Зилол сувли чашма номи билан юритилган. Маэкур ҳаётбахш чашма сувлари туфайли бу маскан атрофида ахоли тўпланиб, қишлоқ қад кўтарган, кейинчалик бу жой Хўжа Илғор номи билан юритила бошлаган.

Соҳибқироннинг тўлик исми *Амир Темур иби Амир Тарагай иби Амир Барқулдир*. Унинг онаси “пошша, пошшахон, сulton оро” маъноларини англатувчи Такина Хотун (аслида Тегина) исми билан аталган. Такина



Хотун Бухоро уламоларининг пешвоси мавлоно Садр-аш-Шариъа, яъни шариат улуғи номи билан шухрат топган қонуншунос олим Убайдуллох ал-Бухорий ибн Тож аш-Шариъа Махмуднинг қизи бўлган. Мазкур шарофатли аёл Бухоронинг солих фарзанди, Кешнинг жасур онаси хисобланган.

Амир Темурнинг отаси Тарагай (тўғриғи Тўргай) Нўён (ноиб ёки ўв минг кўшин бошлиғи) ва амакиси Ҳожи Барлос туркий барлос уруғининг бий (бошлиқ, оқсокол)лари ва йирик мулқдор амирларидан эди. Ҳатто Амир Муҳаммад Тарагай Чиғатой улусининг эътиборли бекларидан хисобланган. Унинг аждодлари Кеш вилоятида хокимлик килишган. Шу боис Амир Темурнинг отаси йилда бир маротаба Или (Элсуви) дарёси бўйида буюк хон томонидан чакириладиган юрт бекларининг курултойига таклиф этилар ва у бундай йиғинларда муттасил қатнашар эди. Шарафуддин Али Яздийнинг таъриф-

лалича, Тарагай олимларга, хайрли ишларни амалга оширувчи такводор кишиларга марҳаматли ва меҳрибон бўлиб, уларнинг мажлисларида иштирок этарди. Тарагайбек пири Шамсуддин Кулолга, айниқса чукур эхтиром кўрсатган. Кейинчалик шайх Кулол Амир Темурнинг ҳам пири бўлган.

Соҳибқироннинг ёшлиги киндик кони тўкилган замин – Кешда кечади. У ёшлик чоғларидаёқ чавандозлик ва овга ишқибоз бўлиб, камондан нишонга ўқ узиш, от чоптириб, қиличбозлик килиш ва “гўйи-чавгон” (от устида ўйналадиган теннисга ўхшаш ўйин) ларда фаол катнашиб, турли-туман ҳарбий матқ ва эркин ҳаракатлар билан машғул бўлишни ниҳоятда ёқтирас эди. Шу аснода Амир Темур тулпорларни саралаб ажратадиган мохир чавандоз ва довюрак баҳодир сифатида вояга етади.

Амир Темур табиатан оғир-босик, теран фикрловчи ва ниҳоятда идрокли ҳамда зийрак, кишилардаги кобилият, фазилат, айниқса, самимиятни тез-

да фахмлаб оладиган инсон бўлган. Мана шундай фазилатлари туфайли у ўспиринлик чоғларидаёк атрофига тенгқурлари орасидан садоқатли дўстларни ажратиб ололган. Унинг теварагига болаликдаги дўстлари ва мактабдошлари тўпланишиб, биргалашиб ўйнашар, машқ қилишар, мусобақаларда иштирок этишар, сеқин-аста навкар бўлишиб, ҳарбий гуруҳга бирлашиб, шаклланишган ва вояга етишган. Унинг гурухида Аббос Баҳодир, Жаҳоншоҳ бек, Кимори Инок, Султоншоҳбек, Ҳиндушоҳ, Қарқара ва бошқалар бўлган. Кейинчалик улар Соҳибқироннинг сафдошларига айланиб, унинг кўп сонли жанговар қўшинида асосий лашкарбошилар сифатида фаолият кўрсатганлар.

Амир Темур илк ҳарбий фаолиятини қўл остидаги навкарлари билан айрим вилоят амирларига хизмат қилишдан бошлаган: уларнинг ўзаро курашларида қатнашиб, жасорат кўрсатган, жангларда чиниккан,

харбий махоратини оширган. Довруғи Қашқадарё воҳаси бўйлаб кенг ёйилган. Ёш Темурнинг ақлу заковати, шиҷоат ва шуҳрати уни Мовароуннахрнинг нуфузли амирларида Амир Ҳизр Ясовурий ва Амир Қазағон билан яқинлаштиради. Тарихчи Ҳондамирнинг ёзишича, отаси Амир Тарагай ўғлини 1355 йилда аввал Амир Жоку Барлоснинг қизи Нурмушк (Нурёғди) оғога, сўнгра ўша йили Қазағоннинг набираси ва Амир Ҳусайннинг синглиси Улжой Туркон оғога уйлантиради. Кейинги никоҳ туфайли Амир Темур билан Балх ҳокими Амир Ҳусайн ўртасида иттифок юзага келиб, улар биргаликда мўрулларга қарши курашадилар.

Амир Темурнинг Мовароуннахрни озод килиб, уни бирлаштириш йўлидаги ҳаракати XIV асрнинг 60-йилларида бошланган эди. Чунки шу юз йилликнинг 50-йиллари охидида мамлакатда мўғул амирларининг ўзаро кураши авж олиб, Амир Қазағон ўлдирилган, Мовароуннахрда



сиёсий парокандалик кучайиб, оғир танглик ҳукм сурмокда эди. Ҳондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр" номли китобида баён этилишича, ўша вактда улус ўнга яқин мустақил бекликларга бўлиниб кетган. Самарқанд вилоятида Амир Баён Сулдуз, Кешда Амир Ҳожи Барлос, Ҳўжандда Амир Боязид Жалойир, Балхда Улжой Буға Сулдуз, Шибирғонда Муҳаммадхожа Апарди Найман, Кўхистонда Бадахшон шохи Амир Сотилмиш, Хутталонда Кайхусрав, Ҳисори Шодмон худудида Амир Ҳусайн ва Амир Ҳизр Ясовурийлар ўзларини ҳокими мутлак деб эълон қиласидилар.

Бу даврда Чиратой улусининг шаркий қисми – Еттисув ва Шаркий Туркистонда ҳукмронлик қилаётган мўғул хонлари Мовароуннаҳрдаги оғир вазиятдан фойдаланиб, бу худудларда ўз ҳокимиятини ўрнатишга ҳаракат қиласидилар. Мўғулистон хонларидан Туғлук Темур ва унинг вориси Илёсхожа 1360–1361 ва 1365 йилларда Мовароуннаҳрга бир неча

бор бостириб кирадилар. Уларнинг босқинчилик юришлари ва зулмiga қарши халқ харакати бошланади. Бироқ Мовароуннахр амирлари халкқа бош бўлиб, босқинчиларга қарши курашга журъат эта олмайдилар. Уларнинг бир қисми душманга бўйсунади, иккинчи қисми эса эл-юртни тарқ этиб, қўшни мамлакатлардан бошпана излайди. Кеш вилоятининг ҳокими Амир Ҳожи Барлос Ҳуресонга кочади. Мана шундай ўта оғир паллада сиёsat майдонига Амир Темур кириб келади. Мўгулларга қарши кураш учун кучлар нисбати тенг эмаслигини ҳисобга олган 24 ёшли Амир Темур 1360 йилнинг бошида Туғлук Темур томонидан юборилган беклар билан Фузорда учрашади.

Туғлук Темурхон ва унинг Мовароуннахрга бостириб келган қўшин бошликлари билан учрашувга ундан сабаблар Амир Темур тилидан кейинчалик "Темур тузуклари" да куйидагича ифодаланган: "Мен ҳам Ҳуресонга ёки бўлмаса Туғлук Темур-

хоннинг қошига бориш-бормаслигимни билмай иккиланиб қолдим.

Шу ҳол асносида пирим [Тайободий]дан маслаҳат сўраб хат ёзган эдим, ушбу мазмунда жавоб ёзиб юборибдилар: “Тўртинчи халифа (Ҳазрати Али ибн Абу Толиб) дан, унга тангрининг караму марҳамати бўлсин, бир киши сўрабдики, осмон – камон, ер – камон ити, ҳодисалар ўқ бўлса, инсонлар ул ўққа нишон бўлса, отгучи [эса] – Худойи таоло бўлса, унинг қудрати яна ҳам улуғ бўлсин, одамлар қаерга ҳам қочадилар?” Халифа жавоб қилиб: “Одамлар Тангрининг қошига қочсинлар”, дебдилар. Шунга ўхшашиб сен ҳам ҳозир Туглуқ Темурхоннинг олдига қочгил ва қўлидаги ўқ-ёйини тортиб олеил”.

Бу жавоб келиши билан кўнглим кўтарилиб, юрагим бундан қувват олди ва Туглуқ Темурхон қошига боришга аҳд қилдим. Лекин бирон ишни қилмоқчи бўлсан, кенгашиб олгач, кейин Куръондан фол очардим ва Куръон ҳукми билан иш қилур

эдим. Түглүқ Темурхон олдига боришдан аввал Куръондан варақ очсан, “Сурайи Юсуф” алаїхиссалом чиқди ва Куръони Мажид ҳукмига амал қылдым”.

Кейинчалик Амир Темур ўзининг бу харакатини ахолини мўгуллар томонидан талон-торож этишдан химоя қилишнинг бир йўли, яъни пухта ўйланган режа (тадбир) деб баҳолади. Юз минг отлик аскар қилолмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан, деб буюк саркарда ўз фикрини изоҳлайди.

Хуллас, Амур Темур хон хизматига ўтиб, унинг ёрлиғи билан ўз вилоятининг доруғаси (бошлиғи) этиб тайин қилинади. Бундай донолик билан Амир Темур мўгулларнинг навбатдаги талон-торожининг олдини олган, мамлакат ва ахолини фалокатдан куткарган эди.

МОВАРОУННАХР УЧУН КУРАШ

Мўгулистан хонининг Мовароуннахр устидан хукмронлиги узок давом этмади. 1361 йил кузида Туғлук Темур бу ерда ўғли Илёсҳожани хон сифатида колдириб ҳамда Амир Беккичик ва Темурбекни унинг хизматига тайин этиб, ўз юрти Мўгулистанга қайтада. Аммо ёш хон давлат ишларига эътиборсиз бўлиб, кўп вактини майшатда ўтказарди. Ҳаётий тажрибаси бой бўлган Амир Беккичик бундан фойдаланиб қолади. Саройдаги ўз тарафдорларининг мададига таяниб, у бутун хокимиятни ўз қўлига олади. Бундан Темурбек норози бўлади.

Хуллас, Мовароуннахрнинг хукмдори этиб тайин килинган Илёсҳожа ва унинг лашкарбошиси Амир Беккичик билан Амир Темур муроса қила олмай, мамлакатни тарк этишга мажбур бўлади (1361 й.). Сўнгра қайноғаси Балх ҳокими Амир Ҳусайн билан бирлашиб, куч тўплаб, аввал бебош амирларга қарши ички ва

мўғулларга карши ташқи кураш олиб боради.

Шу вактдан эътиборан Темурбек ўз тақдирини худди ўзидек ёш, шижоатли Амир Хусайн билан боғлайди. Улар икковлон омад излаб, Хоразмга йўл олишади, бирок омад улардан юз ўгиради. 1362 йили Моҳан (ҳозирги Мари) яқинидаги Махмудий деган жойда туркман Алибекнинг қўлига тушгунларича, улар чўлу биёбонларда кўп сарсон-саргардон бўладилар. Улар 62 кун унинг қўлида туткунлик азобини бошдан кечирадилар. Алибекнинг нияти уларни эронлик савдогарларга сотиш бўлиб, карвон келишини пойлаб ётганди. Бирок ҳар иккалалари Алибекнинг акаси Мухаммадбекнинг ёрдами билан озодликка зришадилар. Амир Темур ва Амир Хусайн ўзаро баҳамжихат харакат қилишга келишиб олиб, Бухоро яқинидаги Занда-не қишлоғида вактинча ажралишадилар. Амир Темур лашкар тўплаш максадида

Карти Кешга, Амир
Амударёнинг Alishan Navoyi

2- Амир Темур

A

1418

nomidagi

O'zbekiston MK

йўл олади. Улар бироз вактдан кейин Хурсоннинг Хилманд дарёси бўйидаги Гармсир вилоятида учрашишга қарор қиласдилар. Улар маълум муддат ўз қўшинлари билан Сейистон ҳокими Малик Кутбиддин хизматида бўлишади.

1362 йил кузида Сейистон вилоятида содир бўлган жангда Амир Темур ўнг сони ва ўнг кафтидан жарохатланади. Шунга карамай, Амир Темур ва Ҳусайн икки йил давомида Илёсхожа бошлиқ мўгуллар билан бир неча бор жанг қиласдилар. Нихоят, 1364 йил охирида улар мўгул қўшинларини Мовароуннахрдан қувиб чиқаришга муваффак бўладилар.

Лекин унумдор ва серҳосил Мовароуннахр кўлдан кетишини истамаган Илёсхожа 1365 йил баҳорида Туркистон томон яна қўшин тортади. Тошкент билан Чиноз (Чинас) оралиғида Чирчик дарёси бўйида 22 май куни икки ўртада шиддатли ҳарбий тўқнашув содир бўлади. Тарихда у “Лой жанги” номи билан

шухрат топади. Чунки ўша куни кучли жала қуйиб, жанг майдони (жанггоҳ) ботқоқликка айланган, хатто суворийлар лойга ботиб қолган. Жангда Амир Темур қўшини ғолибона ҳужум килиб, душман қўшинининг ўнг канотига қакшатқич зарба берәётган бир пайтда Хусайн ўз навкарларини ракибнинг сўл канотига карши ташлаш ўрнига, жанг майдонини хиёнаткорона тарк этади. Амир Темур эса мағлубиятга учраб, чекинишга мажбур бўлади.

Бу ғалабадан сўнг Илёсхожа ҳеч кандай қаршиликка учрамай, Хўжанд ва Жиззах (Дизак) каби яна бир қанча шаҳар ва мавзеларни згаллаб, Самарқанд устига юради. Самарқанд ўша пайтларда катта қўшинга каршилик кўрсата олмасди. Шаҳарнинг на мустаҳкам истеҳкомлари, на қуролланган сипохийси бор эди. Бек ва амирлар шаҳарни тарқ этган эдилар. Бирок ҳалқ мўфулларга карши кўтарилади ва шаҳарни мудофаа килиш учун астойдил бел боғлайди.

Узок давом этган мўғуллар хукмронлигига карши кўтарилиган бу халқ ҳаракати тарихда сарбадорлар ҳаракати номи билан шухрат топади. Сарбадорлар шакар мудофаасини бошқаришни ўз кўлларига оладилар. Уларга мадраса толиби Мавлонозода Самарқандий, жун титувчилар маҳалласининг оқсоқоли Абу Бакр Калавий Наддоф ва мерган мавлоно Хўрдак Бухорийлар бошчилик қиласидилар.

Тарихчи олим Муиниддин Натањий ўзининг "Мунтахаб ут-таворихи Муиний" ("Муиний тарихлари танланмаси") асарида Самарқанд сарбадорлари фаолиятига батафсил тўхталиб ўтади. У сарбадорлар қўзғолони ва уларнинг йўлбошчиси Мавлонозода ҳакида куйидаги муҳим маълумотларни келтиради: "Мовароуннаҳр лашкари мўгуллардан маглуб бўлгач, дилларидаги қўрқуянинг зўридан Мовароуннаҳрни ўз ҳолига ташлаб, (юқорида) зикр қилинганидек, Жайхундан кечиб ўтди. Мўгул лашкари

етиб келаётганилиги ҳақидаги ово-
злар күчайиб, самарқандликлар ву-
жудини ларзага солди. Жамики хосу
ом, оддий одамлар ва азёnlар ўзаро
кенгашмоқ мақсадида жоме масжиди-
га тўпланишди. Дилларини қоплаган
қўрқув ва ваҳима зўридан қўл ва
оёқлари шалвираб, ожизона зору ил-
тижодан бошқа нима қиласарини бил-
масдилар. Бухоро зодагонларидан
бўлган бир одам илм таҳсили учун
Самарқандга келган бўлиб, авом ҳалқ
ўртасида бир қадар эътиборга эга
эди. Одамларни изтиробли ҳолат-
да кўргач, у минбарга дадил қадам
қўйиб юқори кўтарилди ва шаҳар
акобирлари томонга юзланиб деди:
“Оlam ишларидан хабардор ва сар-
дорлик вазифасини ўз уҳдасига олади-
ган бир кишисиз ожиз авомнинг иши
ўнгланмайди. Айниқса, бугун ҳалойик
қаттиқ галаёнга келди. Мамлакат-
нинг ҳақиқий ҳукмдори осойишта за-
монда (ҳалқдан) божу хирож йигарди.
Бугун кучли душман бостириб келга-
нида эса, бечора раиятни бошлиқсиз

қолдириб, ўз жонини омон сақлашни ихтиёр этди. Шу қадар огир балолар юзланиб, ҳодисалар ёмгири кулфат түйфонини эргаштириб келган пайтда коғирларнинг мусулмонлардан жузяйигмоқлари ва исломнинг исмат уйидаги юзи берк аёлларини чўрилилкка ҳайдаб кетмоқларига йўл қўймоқ (бизга) раво эмасдир. Бас, бу борада барча фикр юритмоги вожибдир. Барча динларда тасдиқланган ва олам аҳлига равшанки, жиҳодга отланиб ўзини (ёв) зулмидан халос қўймоқ ва мусулмонлар осойишталиги учун қайгуруммоқ худди беш вақт намоз ўқимоқ ва рамазон ойида рўза тутмоқ каби фарздор ҳамда жамики мусулмонларнинг бу ишда мадад кўрсатмоқлари вожиб эрур. Маҳшар куни яратган эгам – унинг шарифи энёда бўлсин – сиз улууглардан (жиҳод кунидаги) муомала тарзингизни сўраб – суриштиргусидир. Ҳозир ушбу масжид, яъни Оллоҳ уйида йигилган авом халқ ва аъёнлар орасидан ким бу хатарли ишни

бажармоққа бел бөглаб, бундоқ (огир) синовни ўз зыммасига олади? Кимнинг кўнглида нима гап бўлса айтинг, илло дин иши бундоқ пайсалга солинишига рози бўлмангиз". У бу хилда оммани таъсирлантирадиган ва омма кўнглига етиб борадиган нутқ сўзлагач, авоммуннос орасидан баяк-бор ҳайқириқ кўтарилди ва барча унга таҳсинлар ёғдирди. Аммо зодагонлар ва барча улуглар бу вазифани бажармоқдан ўзларини бутунлай четга тортдилар ва биронтаси ҳам бу ишни ўз зыммасига олмади. Бир неча лаҳзадан сўнг бояги киши белидаги қиличини сугуриб бўйнига қўйди ва авом тарафга юзланиб деди: "Эй мусулмонлар, мен ўзимни сизлар учун фидо қилдим ва бу ҳалокатли улкан ишни ўз зыммамга олдим. Сиз нима дейсиз?".

Авом баравар сурон кўтарди ва якдиллик билан унинг даъватини қабул этиб, унинг номига қасамёд қилишди. Шундан сўнг у минбардан тушиб, масжид аҳлига имомлик қилди ва шижоат билан барча (қилиниши лозим

бўлган) ишларни рўйхатга олиб, тартибга солишга кириши. Одамлар уни бутун борликлари билан шу қадар севишардики, нимаики буюрмасин, ўша ишни бажо келтирмоқ учун иштиёқ ва рағбат билан жонлари борича тиришардилар. У кўчаларнинг бошига баъзи жойларда ходалар қоқиб, баъзи жойларида эса тупрок тортуб ва гишт териб, кўчабандлар ясанни буюрди ва бу жойларга муҳофизлар қўйди. Ўзи ҳам кечаю кундуз гоят ҳушёр бўлиб, маҳаллалар ва шаҳар атрофини тинимсиз айланар ва ҳеч бир жойда бир неча лаҳзадан ортиқ тўхтамасди”.

Мудофаачилар шаҳарда мўғулларга қакшатқич зарба берадилар. Илёс-хожа дастлаб Самарқандни, сўнгра бутун Мовароуннахр ҳудудини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Шаҳарда халқ ҳокимияти ўрнатилади ва айрим ислоҳотлар ўтказилади. Бадавлат мулкдор кишиларнинг молмулки мусодара қилиниб, камбағалйўқсилларга тарқатилади. Жон боши-


дан олинадиган жузъя солиги бекор килинади. Бундай айрим ўзгаришлар хукмдор табака вакилларининг кескин норозилигига сабаб бўлади. Натижада Самарқандда бекарорлик вужудга келади.

Сарбадорлар бошлиқ самарқандликларнинг Мўғулистан хони Илёсхожа устидан ғалабаси ва шаҳардаги бекарорлик тўғрисидаги хабар Амир Темур билан Амир Ҳусайнга бориб етади. Амир Темур кишни Каршида, Амир Ҳусайн эса Амударё бўйида ўтказиб, 1366 йил баҳорида Самарқандга йўл оладилар ва шаҳар яқинидаги Конигил мавзеига келиб тушадилар. Беклар сарбадорларнинг етакчилари билан музокара олиб борадилар. Сарбадорларнинг душман устидан қозонган ғалабаларидан мамнун бўлганликларини ва улар билан учрашмоқчи эканликларини билдирадилар. Учрашувнинг биринчи кунида беклар уларнинг шарафига зиёфат бериб, шаънига ҳамду санолар айтадилар. Бирок эртаси куни Абу Бакр

Калавий Наддоф билан Хўрдақ Бухорийлар дорга торгиладилар. Мавлоноздани эса Амир Темур кафолат бериб кутқариб қолади. Шу тариқа сарбадорлар йўлбошчисиз қолдирилиб, харакат бостирилади. Монароуннахрда Амир Ҳусайнинг хукмронлиги ўрнатилади. Аммо кўп вақт ўтмай Ҳусайн билан Амир Темурнинг ўзаро муносабати кескинлашиб, очикдан-очик низога айланади. 1366–1370 йиллар давомида улар ўртасида бир неча бор ўзаро тўкнашувлар ҳам бўлиб ўтади. Амир Темурнинг обрў-эътибори йил саёнин кучайиб бораётганидан хавфсираган Амир Ҳусайн Балхга қайтиб, шаҳарнинг қалъа деворлари ва истеҳкомларини мустахкамлашга киришади. Балх, Кундуз ва Бадахшондан кўп сонли лашкар ҳам тўплайди. Кеш ва Насаф (Карши) вилоятларига бош бўлган Амир Темур ҳам Амир Ҳусайнга қарши ҳал қилувчи жангга хозирлик кўради.

АМИР ТЕМУР – МАРКАЗЛАШГАН ДАВЛАТ АСОСЧИСИ

Мовароуннахрда XIV асрнинг 60-йилларида ҳукм сурган оғир сиёсий ва иқтисодий вазият мамлакатни бирлаштириб, кучли бир давлат ташкил этишни тақозо этмоқда эди. Амир Темур замонасининг бундай талабини ўзга амирларга нисбатан яхшироқ тушунарди ва Амир Ҳусайндан фарқли ўларок, марказлашган давлатнинг ҳаёттый моҳиятини чуқурроқ англай оларди. Шунинг учун ҳам у ўз фаолиятининг дастлабки босқичидаёқ барча саъй-харакатларини Мовароуннахрда марказлашган салтанат тузишга каратади. Ўз максадини амалга оширишда у рухонийлар, харбийлар, савдогарлар ва шаҳар хунармандлари табақаларига суюнади. Амир Темур тарқоқ мамлакатни бирлаштиришга киришар экан, курашни, аввало, ички ғанимларини бўйсундиришдан бошлайди. 1370 йилнинг баҳорида у Балх ҳукмдори



Амир Хусайнга карши аскар тортади. Кўшин Термиэ якинидаги Биё (Биё-бондашт) қишлоғига еттанида маккаллик шайх Саййид Барака Амир Темурга пешвоз чиқади. Шайх Барака унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаб, унга олий хокимият рамзи – катта ногора (табл) билан ялов (давлат байроғи)ни тортиқ килади. Шубҳасиз, бу шарофатли воқеа муҳим сиёсий аҳамиятта ага эди. Чунки тортиқ қилинган бу икки рамз унинг буюк келажагидан башорат қилгандай эди.

Балхга стар-етмас Ўрпуз мавзеида Амир Темур беклару амирлар билан машварат (кенгаш) ўтказиб, эл-юрт эндиликда Мовароуннахр подшолиги деб аталишини эълон қилади. Кўпчиликнинг хохиш ва ихтиёри билан ўша давр конун-қоидаларига кўра, чингизийзодалар авлодидан бўлган Суюрғатмиш ўғлон Мовароуннахр подшолиги тахтига ўтқазилади.

Кўшин Балх шаҳрига етиб боргучиа унга йўл-йўлакай янгидан-янги кучлар келиб қўшилади. Шу аснода

Амир Ҳусайннинг аксарият амирлари уни тарк этадилар. Жангда Амир Ҳусайн қўшинлари енгилади. Икки кунлик қамалдан сўнг, 1370 йилнинг 10 апрелида Балх шахри Амир Темурга таслим бўлади. Амир Ҳусайн асир олиниб, қатл этилади. Бу ғалабадан сўнг Амир Темур Мовароуннахрнинг чингизийлардан бўлган хукмдори Қозонхоннинг қизи Сароймулк хоним (Бибихоним)ни ўз никоҳига олади. Хон кизига уйланганлиги муносабати билан Амир Темур “Кўрагон”, яъни “Хоннинг куёви” унвонини олди.

1370 йилнинг 11 апрелида Чифатой улусининг бек ва амирлари, вилоят ва туманларнинг доругалари, Амир Темурнинг ёшликтан бирга ҳамроҳ бўлган куролдош дўстлари, шунингдек, пири Сайид Барака иштирокида қурутой ўtkазилади. Унда Амир Темурнинг хукмронлиги расман тан олиниб, у Мовароуннахрнинг амири деб эълон қилинади. Гарчи Суюргатмишхон мамлакат хони деб аталган бўлса-да, янгидан ташкил

этилган давлатни амалда Амир Темурнинг ўзи бошкарди. Вилоятлардаги хокимиятни ўғил ва набиралари ҳамда яқин амирлари орқали идора қилди. Ёруғ дунёга келиб, вояга етиб камол топган ота шахри Кеш (Шахрисабз)ни эмас, балки Мовароуннахрнинг сиёсий, иктисадий ва маънавий хаётида катта ўрин тутган Самарқанд шахрини давлат пойтахтига айлантиради. 1370 йилнинг ёзида ёк шаҳар девори ва давлат қароргоҳи – калъаси тикланади, сарой ва қасрлар бино килинади.

Эл-юрт, мамлакат муҳофазаси ҳамда бошқарувида, шунингдек, карвон йўллари бўйлаб осойишталик ўрнатишида ҳарбий кучнинг аҳамиятини яхши тушунган Амир Темур қўшиннинг таркибий тузилишига алоҳида эътибор беради. У қўшинни ҳарбий жихатдан ислоҳ қиласр экан, аввалио амир ва амир ул-умаро каби олий даражали ҳарбий унвонларни жорий этади. Амир, айниқса лашкарбошиларни танлаш ва уларни тарбиялаш, ҳарбий қисмлар ва уларнинг жойла-

шиш тартиби, навкар, сарбоз ва суворийларни куроллантириш ҳамда интизом масалаларига жиддий эътибор беради, чунки ички ва ташки сиёсатида асосан қўшинга суянарди.

Амир Темур қўшини ўнталик аскарий бирикмалар асосида тузилган харбий қисмлардан иборат эди. Лашкар *туман* – ўн минглик; ҳазора – минглик; қўшин – юзлик ва *айл* – ўнлик бирикмаларга бўлинган. Амир Темур ўн минглик аскарий қисмни бошқариш учун *туман оғаси*; минглик қисмлар учун *мириҳазора*; юзликлар учун қўшинбоши ва ўнликлар учун эса *айлбоши* каби харбий мансабларни таъсис этади. Уларнинг ҳақ-хукуклари, ойлик маошини даражасига мос равишда белгилаб беради. Жангларда баҳодирлик кўрсатиб, ғалаба қозонган амир учун инъомлар ҳам белгилайди. Бирон қўшинни енгган, бирор мамлакат ёки вилоятни забт этган амир баҳодирлик мартабаси, давлат кенгашларида иштирок этиш хукуки ҳамда бирон шахарнинг

ноиблиги билан сийланган. Аскарий қисмларни вилоятлардан тўплаш билан тавочи мансабидаги амалдор шуғулланган.

Амир Темур кўшинда қатъий ҳарбий интизом ўрнатган. Ҳарбий амир, кўшинбоши ёки айлбоши жанг қилиш услубларини пухта билиши шарт бўлган. Оддий навкар низомни қатъий бажариши, жангда аёвсиз ва довюрак бўлиши, омонлик истаган душманга юмшоқ муомала қилиши ва адолатли бўлиши лозим эди.

Ҳарбий юриш вақтида олдинда *хабарчилар*, улар ортидан ясоул бўлинмаси, ундан кейинроқда *манглай* – авангард қисм ҳаракат киласди. Манглай билан кўшиннинг асосий қисмлари оралиғида эса қўмондоннинг ҳаракатдаги кароргоҳи ва унинг ён-атрофида захира (резерв) қисмлар жойлашган бўлиб, у изофа деб юритилган. Амир Темур кўшинининг асосий жанговар қисмлари: *марказ*, ўнг – *баронгор* ва сўл – *жавонгор* қанотлардан иборат бўлган. Ҳар бир

қанотнинг олдида биттадан қўшимча кўрикчи манғлай – авангард, ён томонида эса биттадан қўшимча аскарий кўшилмалар – қунбуллар бўлар эди. Шу тариқа қўшин етти қисм – қуллардан иборат эди. Шубҳасиз, етти қўлга – қисмга тақсимлаб жойлаштириш тартибини ҳарбий тактика тарихида биринчи бўлиб Амир Темур жорий этди. Бу қуллар жангда мустакил ҳаракат қилиб, факат қўшин қўмандонига бўйсунган.

Амир Темур Турону Туркистон, Эрону Форс ва Арабистон мамлакатлари тарихини чукур билган. Ҳаётда амалий жихатдан фойда келтира оладиган ҳар кандай билимни, давлат аҳамиятига эга бўлган ҳар бир масалани ҳал этишда у соҳа билимдонлари ва уламолар билан маслаҳатлашган. Амир Темурнинг сўзи билан айтганда, давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат (маслаҳат), қолган бир улуши қилич билан амалга оширилган. Унинг “Рости-расти” (“Куч –

адолаттадур") деган сўзлари мамлакат ақл-заковат ва адолат билан бошқарилганидан гувоҳлик беради.

Хуллас, Амир Темур давлатни бошқариш ва ҳарбий дахолик соҳасида ўзига хос бошқарув тизимини яратиб, шу асосда барпо этган буюк салтанат билан жаҳон мамлакатлари ҳукмдорларини лол колдирган эди.

Соҳибқирон ҳокимият тепасига келгач, дастлабки вактлардаёқ мамлакатда рўй берган оғир иктисадий танглиknи бартараф қилиш учун, энг аввало, солик тизимини тартибга солди. Давлат солиқларини йиғиншида аминлар, колонтарлар ва солик йиғувчиларни раъиятга нисбатан инсоф ва адолатли бўлишга, конунга хилоф иш тутмасликка чакирди. Чунки салтанатнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан раъиятнинг ҳол-аҳволи, унинг давлат ва ҳукмдор-султонга бўлган садоқатига боғлиқ эди. Раъиятни химоя қилиш эса қонун билан мустаҳкамланди. Конун барчага teng ва баробар хисобланган. Амир Темур

нафакат ўз халқини, балки забт этилган мамлакатларнинг ахолисини ҳам имкон борича қонун ҳимоясига олган, уларни асирик ва талон-торожлардан саклаган.

Амир Темур Мовароуннахри мұғуллар хукмронлигидан озод этиб, бу қадими мамлакатда мустақил давлат барпо қылган бүлса-да, аммо мазкур диәрда ҳали баркарор тинчлик ва осойишталиқ ўрнатилған эмас эди. Бир томондан, айрим вилоят ҳокимлари Амир Темур ҳокимиютини тан олишдан бош тортиб турған бўлсалар, иккинчи томондан, мамлакатнинг шарқий ва шимолий худудлари нотинч эди. Мўгулистон билан Оқ Ўрда хукмдорлари Фарғона водийсинг шарки, Ўтрор, Яssi (Туркистон) ва Сайрам шаҳарларига хавф солиб, бу худудларга тез-тез хужум қиласар ва ахолисини талон-торож этарди. Шунинг учун ҳам Амир Темур дастлабки йилларда мамлакат сарҳадлари хавфсизлигини таъминлашга катта аҳамият берди. Исёнчи

амирларга карши шафқатсиз кураш олиб борилиб, аввал Шибирғон вилояти бўйсундирилди, сўнгра Балх ва Тошкент вилоятлари Амир Темур ҳокимиятини тан олдилар. Аммо Хоразм Оқ Ўрда хукмдорларига таяниб, ҳануз бўйсунишдан бош тортарди. Амир Темур Хоразмни Чифатой улусининг ажралмас қисми деб хисоблаб, уни ўз давлатига қўшиб олиш сиёсатини тутди. Аммо бу масала элчилар воситасида тинч йўл билан ҳал этилмагач, Амир Темур Хоразм худудига беш маротаба юриш килди. Хоразмга 1371 йил июнда Амир Темур биринчи бор ҳарбий юриш килди. Нихоят, бешинчи ҳарбий юриш натижасида Хоразм 1388 йилда узил-кесил бўйсундирилди.

Шундай килиб, Амир Темур Мовароуннахр, Ҳуросон ва Хоразмни бирлаштириб, йирик марказлашган давлат тузди. Бу улкан худудда яшовчи ҳалқларнинг бирлашуви улар тақдирида ижобий аҳамият касб этди.

АМИР ТЕМУР – ТУРОН ДАВЛАТИ ҲУКМДОРИ

Буюк саркарда Амир Темур бутун минтақани бирлаштириб, йирик марказлашган давлатга асос солди. Бу давлатнинг номи Амир Темур ва темурийлар даври тарихий манбаларида (XIV–XV асрлар) **ТУРОН ДАВЛАТИ** деб тилга олинади. Бирок Ўзбекистонда хозирги кунгача нашр этилаётган турли тарихий китоблар, дарсликлар ва ўкув кўлланмаларида бу давлатнинг номи мавхум тарзда Амир Темур ва темурийлар давлати деб кўрсатилади. Амир Темур томонидан ёки унинг яқин ва узоқ замондошлари тарафидан ҳеч қачон у асос солган давлат Амир Темур ва темурийлар давлати деб айтилмаган.

Шу ўринда “Турон”, “Туркестон” ва “турк” атамалари тўғрисида тўхвалиб ўтишни жоиз деб топдик.

ТУРОН – туркий халклар яшайдиган улкан ҳудудни англатувчи тарихий атама, ижтимоий-сиёсий ва ма-

даний тушунча. Турон атамаси бундан тахминан 2700–3000 йил олдин дастлаб тур(к) лар яшовчи юрт – Тур ёхуд Туркистон шаклида қўллана бошланган. “Авесто” тарихий-адабий ва диний ёдгорлигига ҳам у шундай маънода ишлатилган. Турон мінтакаси жуғрофий жиҳатдан Тинч океанидан Ўрта ер дengизигача, Шимолий муз океанидан Тибет ва Ҳимолай тоғларигача, Анатолиядан Шимолий Хиндистонгача бўлган улкан худудни ўз ичига олади.

Турон тарихий атамаси қадимги ва илк ўрта асрларда географик атама сифатида ҳам кўлланган. Табарий, Наршахий, Беруний сингари машҳур тарихчи олимлар ва шоир Фирдавсийнинг асарларида Турон ва Эрон давлатлари ҳамда уларнинг худудий чегаралари хусусида сўз боради. Айримлар бу чегарани Амударё оркали ўтади, деб янгиш маълумот қолдиришган. Аслида Ҳурисон ва Мовароуннахр ўртасидаги чегара чизиги Амударёдан ўтган. Дастлаб

“Авесто”да қайд этилган “тур” этоними кейинчалик Марказий Осиё дашт ва тоғ ерларида яшовчи чорвадор аҳоли билан боғланган. Олимларнинг фикрига кўра, турлар тушунчаси бу – саклар (массагетлар) нинг дастлабки номи бўлиши мумкин. Саклар (массагетлар) ва уларга яқин қариндош қабилалар милоддан аввалини VIII–V асрларда Олтой ва Жанубий Сибирь даштларигача тарқалган. Бу хақда археологик маълумотлар ҳам далолат беради ва ҳозирги Шинжон – Уйғур муҳтор ўлкасида саклар ёзувларининг тарқалиши ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Махмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, Кошғар вилоятида XI асрда кансак тили сақланган эди. Бундан ташқари Шаркий Туркистондаги Ҳўтан воҳасидан топилган ёзувлар “ҳўтан – сак ҳужжатлари” номи билан аталган. Демак, Турон атамаси, фақат Ўрта Осиё ҳудудининг қадимги атамаси дейиш иотўғри бўлади. Турон ва туронликлар юрти тушунчасини юкорида кўр-


сатиб ўтилган бепоён худудлар билан боғлаш мумкин.

Ривожланган ва сўнгги ўрта асрлар муаллифлари Турон тушунчасини ҳам тарихий, ҳам географик маънода қўллаганлар. Кўплаб тарихчи ва географларнинг айтишича, Турон – бу турклар (ўзбеклар) ва бошқа туркий халқларнинг юрти деган маънони билдириб, у кейинчалик ўз ўрнини бутунлай Туркистон тушунчасига бўшатиб берган.

Турон бутун туркий халқларнинг мозийда бўлган ва истиқболда бўлиши назарда тутилган ягона буюк юртидир. Турон атамаси кейинчалик Туркистон тушунчаси билан алмашган ёхуд улар қарийб бир маънода қўлланилади. Ўрта асрларда Турон минтақасининг қоқ марказида Мовароуннахр ва Хоразм ўлкалари жойлашган. Тарихдан маълумки, Мовароуннахр ва Хоразм бугунги Ўзбекистон Республикаси худудининг асосий қисмини ташкил қилган. Айрим тарихий манбаларда келтирилишича, Турон давлатига даст-

лаб тахмини 3000 йил мукаддам Афросиёб томонидан асос солинган. Афросиёб номи туркий манбаларда Алп Эр Тўнга ёки Тўнга Алп Эр шаклида тилга олинади. Афросиёб туркий халқларнинг дастлабки хокони, туркий халклар бобокалони хисобланади. Таникли ҳарбий саркарда ва машхур давлат арбоби Афросиёб Турон минтақасида Бухоро, Самарқанд, Ромитан, Марв, Эронда Қазвин, Кум ва бошкага шаҳарларга асос солган.

Алп Эр Тўнга (Афросиёб) ми-лоддан аввалги VIII асрнинг охирида Турон ҳудудида сак-икситлар ёки скифлар (туркий қавмлар)нинг дастлабки давлатини ташкил қилади. Бу давлат Европа тадқиқотчилари томонидан кейинчалик прототурк (кўхна турклар) давлати деб номланган. Алп Эр Тўнга Турон даштларида (Осиё ва Европа китъаларида) яшаган ўнлаб туркий уруғ ва қабилаларни ягона давлатга бирлаштирди. Турон давлатининг дастлабки пойтахти қайси шаҳар бўлганлиги ўша давр манба-



ларида аниқ кўрсатилмаган. Тур(к)лар яшайдиган Турун давлатининг илк пойтахти Бухоро ёхуд Самарқанд бўлганлигини тахмин қилиш мумкин.

Афросиёб яшаб ўтган даврдан 2200 йил кейин эса буюк Амир Темур Турун давлатини қайта тиклаб, уни марказлашган йирик салтанатга айлантириди.

Турун – кенг маънода тур(к)лар яшаган ота юрт, тарихий макон. Турун – тор маънода Туркистон минтақасининг қадимги давр ва ўрта асрлардаги умумий номи. Турун – Осиё қитъасининг энг катта пасттексилиги жойлашган жуғрофий ҳудуд. Тур (ф) он – Шарқий Туркистондаги Уйғур мухтор вилояти (ҳозирги Хитой)га қарашли қадимий шахар.

ТУРКИСТОН – асосан ўзбек, қозоқ, кирғиз, туркман, қорақалпок, уйғур каби туркий халқлар ва тоҷик ҳалқи азалдан яшаб келган юртнинг тарихий номи. Илк ёзма ёдгорликларда Туркистон атамаси дастлаб Турун шаклида ёзилган. Қадимий туркий би-

тикларда у Турк будун (Турк эли) шаклида кўлланади.

Туркистон – Марказий Осиёning туркий халқлар яшайдиган худудининг ўрта аср тарихий-географик адабиётларда учрайдиган номи. Манбаларда у Турон ва Туркистон атамалари ўрнида кайд этилган. 639 йилда Турфонда тузилган сүғд хужжатида Туркистон атамаси Ўрта Осиё ва Мовароуннахр номларидан фарқли равишда нафакат географик, балки тарихий ва этно-географик тушунчани англатиб, шунингдек, сиёсий-хукуқий аҳамиятга ҳам эга бўлган. Арабларнинг минтақага юришидан сўнг ҳам Туркистон топоними ўзининг сиёсий-хукуқий маъносини йўқотмаган. Бу даврда Туркистон минтақасининг сиёсий сарҳадлари Узок Шимол ва Узок Шарқка, Карлук ва Уйғур хоконликлари ҳамда Араб халифалиги билан чегарадооп бўлган ерларгача ёйилган. Айнан шу худудларда ташкил топган туркий давлатлар эндиликда Туркистон номи билан VIII–X асрларда араб тарихчи-географлари

асарларида кайд этилади. Бу пайтдан бошлаб Марказий Осиёнинг марказий ва жанубий вилоятлари (Амударё ва Сирдарё оралиғи) Мовароуннахр деб атала бошлаган.

Корахонийлар давлати барпо этилиши билан Туркистон давлати яна ўзининг собик худудлари доирасида деярли қайта тикланади, унинг жанубий сарҳадлари Амударё билан белгиланади. Фазнавийлар ва Салжукийлар каби XI асрда янги ташкил топган бошқа туркий давлатлар султонлари ҳам ўзларини туркистонликлар (турклар) деб хисоблашган. Мовароуннахр атамаси эса Туркистон минтакасининг бир қисми сифатида, яъни Корахонийлар, сўнгра Хоразмшоҳлар, Чифатоийлар, Темурийлар ва Шайбонийлар давлатининг бир қисми сифатида карала бошлаган. Махмуд ибн Валининг XVII аср бошларида ёзишича, “Туркистон – бу кенг ва кўнгилли юртдир..., бу юртнинг узунилиги Сайҳун дарёсининг қиргогидан Корамурун



*дарёси қирғозигача бўлиб, бу ерни
Мўғулистон номи билан атаганлар".*

Махмуд ибн Вали Туркистоннинг яна бир номи – бу Турон ва унинг аҳолиси турклар деб ёзади. Шу даврдаги Мўғулистон Шарқий Туркистон, Еттисув ва Олтойни ҳам қамраб олган. XIX аср ўрталарида Туркистон худуди (6 млн кв.км атрофида) фарбда Урал тоғлари этаги ва Каспий денгизи, шарқда Олтой тоғлари ва Хитой, жанубда Эрон ва Афғонистон, шимолда Россия империясининг Томск ва Тобольск губерниялари билан чегарадош бўлган.

Туркистон жаҳон тарихидаги сиёсий можаролар натижасида асрлар давомида яхлит макон доирасидан чиқиб, 5 та жуғрофий қисмга бўлинган: *Марказий Туркистон* (Ўзбекистон, Коракалпогистон, Жанубий Козористон, Туркманистон, Кирғизистон, Тожикистон), *Шарқий Туркистон* (Хитойнинг Синьцзян – Уйғур муҳтор райони, Ички Мўғулистон), *Жанубий Туркистон* (Ши-

молий Афғонистон, Тоғли Бадахшон, Шимолий Ҳиндистон), *Farбий Туркестон* (Шимолий Эрон – тарихий Хуресон), *Шимолий Туркестон* (Шимолий Козоғистон, Татаристон, Бошқирдистон, Урал атрофлари ва Олтой).

Туркестон – кенг маънода туркий халқлар яшаган улкан миңтақа. Туркестон – тор маънода ҳозирги Ўрта Осиё ва Козоғистон республикалари ҳудудида вужудга келган давлатларни умумлаштирувчи ном, тарихий атама. Туркестон – Жанубий Козоғистондаги асосан ўзбеклар яшайдиган қадимий шаҳар. Туркестон – Ўзбекистон ва Тоҷикистон республикалари ҳудудидаги тор тизмасининг номи, Ҳисор – Олой тор тизмасига киради. Туркестон – Бухоро воҳасининг Қизилкум билан туташ кисмининг илк ва сўнгти ўрта асрлардаги жуғрофий номи.

Хуллас, Турон ёхуд Туркестон миңтақасининг қоқ марказида – бугунги Ўзбекистон Республикаси ҳудуди жойлашган. Ўзбекистон тарихан мав-

жуд яхлит Туризамин, яъни Туркистоннинг узвий бир кисми, марказий кисмидир.

ТУРК – Ер сайёрасининг катта кисмida азалдан яшовчи, европоид ва монголоид ирқларига мансуб, ислом ва бошқа динларга эътиқод қилувчи туркий халқларни бирлаштирувчи этник тушунча. Туркий халқларнинг илк аждодлари таҳминан 4000–5000 йил муқаддам злат сифатида дастлаб Туризм минтақасида (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси билан Мўғалистон, шунингдек, Россия Федерациясининг Олтой Республикаси ва Олтой ўлкаси оралиғида) вужудга келган. “Турк” атамаси (лугавий маъноси кучли, бақувват) илк марта ёзма манбаларда айнан шу шаклда 542 йили тилга олинган. Буюк Турк хоқонлиги (Кўк Турк хоқонлиги) давлатига 551 йилда асос солинган. У кейинчалик Шарқий Турк хоқонлиги ва Фарбий Турк хоқонлиги каби давлатларга бўлиниб кетган.

Турк – кенг маънода Ер юзидағи барча туркий халқларнинг уму-

мий аждоди бўлган катта қавмнинг номи. Турк(ий) – ўзбек халқининг ўрта асрлардаги тарихий этник номи. Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур каби буюк даҳолар турк, яъни ўзбек бўлганлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Турк – ўзбек халқи таркибига кирган 92 бовли ўзбек қавм (уруг)ларидан бирининг номи. Турк – тор маънода бугунги кунда Туркия Республикасида яшовчи асосий миллатнинг номи.

Амир Темур XIV асрнинг 60–70-йилларида ана шундай буюк халқ – турк халқи (bugungi ўзбек халқи) нинг барлос уруғи вакили сифатида тарих саҳнасига чиқди. У буюк аждодлари Афросиёб, Ботур Тангрикут (Ўғузхон), Кужула Кадфиз, Аттила, Бумин хоқон, Исмоил Сомоний, Сотук Буғрохон, Сабуктегин, Тўғрулбек, Кутбиддин Муҳаммад сингари ўз дав-

рида янги туркий давлатга асос солди. Амир Темур асос соган туркий (ўзбек) давлатнинг номи *Турон давлати* эди. Амур Темур эса Турон давлати султони ҳисобланган.

Биз хоҳлаймизми, йўқми, бу давлатнинг номи бугунги кунда Ўзбекистонда ва айрим хорижий давлатларда айтилаётганидек Амир Темур ва темурийлар давлати бўлган эмас, балки *Турон давлати* бўлган. Ўз фикримизни бевосита Амир Темур даврида ёзилган тарихий асарлар, соҳибқирон чикарган фармонлар, у ишлаб чиккан тузуклар ва коятошларга ёзdirган турли битиклар асосида исботлашга харакат киласиз.

1391 йили март ойи охирларида Амир Темурнинг икки юз минг кишилик кўшини Олтин Ўрда хукмдори Тўхтамишхонга қарши ҳарбий юриш учун Яssi (Туркистон), Корачук, Саброн оркали Сарик ўзан (Сари сув) мавзеига чиқади. Кучли сел келиши туфайли кўшин бир неча кун шу ерда макон топади. Сел камайганидан сўнг

сохибқирон кўшини дарёдан кечиб ўтади. Сохибқирон икки кечаю икки кундуз йўл юриб толиқкан қўшини билан Улуттоғ (хозирги Қозоғистондаги Карсакпай кони яқинидаги Олтин чўкки номли тоғ) ёнбағрига хордик олиш учун тўхтайди. Ўзи эса хос одамлари ҳамроҳлигига тоғ бошига чиқиб, теварак-атроф ва ястаниб ётган даштга назар ташлайди ҳамда бу ерга мазкур юриш ҳақида хотира қолдиришга карор қиласи. Амир Темур Улуттоғ тепасига туғ ўрнатиб, қароргоҳ тиклаган. У чикарган фармони олийга кўра жангчилар атроф жавонибдан харсанг тошлар ташиб келиб, минорасимон иншоот курдирадилар. Уста тоштарошлар ишга тушиб, сохибқироннинг Тўхтамишхонга карши қўшин тортиб, ушбу мавзега етганлиги тарихини тошга битадилар. Тоштарошлар харсангтошга икки тилда – араб ва қадимги уйғур тилида битик ёзганлар. Битик 11 сатрдан иборат бўлиб, 8 сатри қадимги уйғур ва 3 сатри (Бисмиллоҳир рахмонир рахим) араб харфидадир. Би-

тикда ҳижрий 793 (милодий 1391) күй йили ёз фаслиниң ўртасида (Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асарида ёзилишича, 28 апрелда) Турон султони Темурбек 200 минг кишилик ўрдуси билан Тўхтамишхонга карши сафарга чиккалиги ва нишон сифатида шу кўрғонни бунёд эттиргани ёзилган.

Туркий ёзувода қоятошга нақш қилинган битикнинг матни қуйидагича: "*Тарих етти юз тўқсон учта, қўй йили ёзниң ора ойида Туроннинг султони Темурбек икки юз минг че-рик била ислом учун Булгор ҳокими Тўхтамишхонга қарши юрди. Бу ерга етиб, белгу бўлсин деб бу йўбани қўпарди. Тангри нисбат бергай. Иишоллоҳ. Тангри эр кишига раҳмат қилгай. Бизни дуо ила ёд қилгай*".

Улуттоғ (Улутов) хозирги Қозоғистон Республикасининг Жезқазғон шаҳридан 100 км шимолда, Сарисув дарёси шимолида жойлашган тор ҳисобланади. XX асрнинг 30-йилларида Жезқазғондан 50 км гарбдаги Карсакпай кони яқинида

Корамўла тоғи ён-бағрида юқоридаги битик ёзилган тош топилган. Бу битикли тош хозирги пайтда Санкт-Петербург шаҳридаги Эрмитаж музейида сақланади.

Биз учун энг муҳими мазкур тош битикда соҳибкiron ўзини “Туроннинг султони Темурбек” сўзлари билан тилга олади ҳамда Турон мамлакати ҳукмдори эканлигини таъкидлайди. Амир Темур ҳарбий юришларининг бевосита иштирокчиси тарихчи Низомиддин Шомий ўзининг “Зафарнома” асари (1404 йилда ёзилган) “Амир соҳибқироннинг Даشتি Қипчоқка юриши баёнида” фаслида Тўхтамишхонга карши ҳарбий юриш тафсилотлари ва Улуттоғда соҳибқирон ёздирган битик ҳакида куйидагича маълумотларни келтиради: “Жумоди лаввал ойнинг биринчи куни (1391 йил 6 апрель) (дарёда) сув кўпайди. Бир неча кун тўхтаб туриб, кечув жойи изладилар. Сувдан ўтиб, ойнинг йигирма бирида (26 апрель) лашкар Кичик Дог (тахминан ҳозирги Кўк-Тубе) га

етди. У жойдан күчиб, ўртада икки кече ўтказиб, жумъа куни Улуг Дөг (Улугтөг; Улу Toy) мавзесига етдилар. Амир сохибқирон төг устига чиқиб, ҳар ён назар солди. Атроф поёнсиз сахро ва чўли биёбон эди. У куни шу жойда тўхтаб, ҳамма лашкарга тош келтиришини буюрди, улар у кунлар тарихини тошга нақш қилдилар, токи у нишона турар экан, замона саҳифасида бу юриш зикри боқий қолгай. (Назм:)

Эшиздимки, гўзал табиатли Жамшид
Чашма бошидаги бир тошга ёзган:
“Бу чашма бошига биздек кўплар
келганлар
Кўзларин очиб юмгунча ўтиб
кетганлар”.

Бу воқеалар тафсилоти Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари (1424–1425 йилларда ёзилган) нинг “Ҳазрат сохибқирон Дашиби Қипчок сари мутаважжих бўлғони сўзи” фаслида (Тошкент, “Шарқ”, 1997, 129–131- бетлар) ҳам келтирилади. Факат Яздийнинг ёзишича, Амир Темур тош-

га битигини 1391 йил 28 марта ўйиб ёздирган.

Шу нарса характерли ҳолки, бу жойларга орадан икки юз йил ўтгач, 1582 йилда бошқа бир ўзбек ҳукмдори – Абдуллахон II (1534–1598) ўз кўшини билан келган. Ўзини Турон давлати хоқони хисоблайдиган Абдуллахон II Амир Темурнинг Дашиби Қипчокка харбий юришларидан яхши хабардор бўлган. Турон тарихида “курувчи хон” сифатида ўзидан ўчмас из қолдирган Абдуллахон II ҳам соҳибқирондан ўрнак олиб, Амир Темур курдирган минора қаршисида, Улуттоғ сафаридан ёдгорлик сифатида масжид қурдирган. Бу ҳакда машхур тарихчи Хофиз Таниш Бухорий (1540–1589) ўзининг “Абдулланома” асарида (1584–1588 йилларда ёзилган) шундай ёзади: “*Фалак шукуҳли шаҳриёр [Абдуллахон II] ўша тогнинг тепасига чиқиб, у биёбонни узунлиги ва кенглигини Тангридан бошқа ҳеч ким билмас эди, назар солди. Ўша куни (1582 йил 3 май) намози пешингача*

түхтаб лашкарга буюрдики, "Кўп тош тўпласинлар". Буйргани бажариб тўпланган тошдан олий шаън у маконда бир масжид бино қилдилар. Шу билан рўзгор саҳифаларида у баландқадр шоҳдан бир ёдгорлик қолдирдилар. Шундай ишни фирмавс-макон, дину дунё қутби шаҳриёр Амир Темур кўрагон, унга Тангри-нинг раҳмати ва розилиги бўлсин, ҳам қилгон эди. У Тўхтамишон мұхорабасига йўналган вақтда, Хонбалиқ тоқقا етганида, бир кун ўша тепада қарор топди ва аскарга атрофдан кўп тош тўплашни буюрди. Улкан минора каби баланд нишон кўтардилар ва тош тарошлайдиганлар Амир Темурнинг шу жойга келгани таърихини ёздилар".

Шундай қилиб, Амир Темур 1370 йилда Турон давлати мустақиллигини қайта тиклади ва муаззам бир туркӣ давлат ва сулолага асос солди. Сохибқирон асос солган темурийлар сулоласи Турон давлатини 137 йил давомида бошқарди. Бу давлат

XIV–XV асрларда яратилган тарихий асарларда, сохибқирон ва унинг вакиллари томонидан чиқарилган фармонлар ва турли ёрлиқларда, кўшни мамлакатларнинг хукмдорлари билан олиб борилган ўзаро ёзишмаларда Турон мамлакати, баъзан Турон вилояти ёки Турон ўлкаси шаклида тилга олинади.

ТУРОН МАМЛАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

Шуни таъкидлаш керакки, бу даврда Турон давлати учун энг кучли хавф Оқ Ўрда ва Олтин Ўрда эди. Эндиликда Амир Темур Олтин Ўрдага зарба бериб, уни кучсиэлантиришга жиддий харакат қиласди. Лекин у Жўчи улусини ўз давлатига кўшиб олиш ниятида эмас эди. У Олтин Ўрданинг Мовароуннахрга туташган шаркий кисмини ўз таъсири остига олиш хамда унинг пойтахти Сарой Берка оркали ўтадиган карвон йўлини Мовароуннахр томон буриб юбориш-

ни кўзлайди. Ўз мақсадини амалга ошириш учун у Жўчи улусидаги ички курашдан уддабуронлик билан фойдаланади. Ўша пайтлар ўзаро курашларда зарбага учраган чингизийлардан Тўхтамиш жон сақлаш мақсадида Самарқандга келиб паноҳ топади. Амир Темур ёрдамида у Олтин Ўрда тахтини эгаллашга мұяссар бўлади. Бирок кейинчалик Тўхтамиш хоинлик йўлига киради ва Амир Темурга карши очикдан-очик курашга ўтади.

Амир Темур Олтин Ўрда томонидан қилинган хавфни бартараф қилиш учун Тўхтамишонга қарши 1389, 1391 ва 1394–1395 йилларда уч марта харбий юриш қиласди.

1387 йили Тўхтамиш Темурбекнинг Эрондалигидан фойдаланиб, Амир Темур салтанатининг марказий кисмларига ҳужум қилиш қарорига келади. Дастреб зарба Ок Ўрданинг маркази Сифноқ томондан берилади. Сабронни згаллай олмаган кўшин Ўтрорга йўл олади ва у ерда Темурбекка тегишли унча катта бўлмаган аскарий гурухни

мағлуб этиб, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари худудига бостириб киради. Тўхтамишхон иккинчи йўналишдаги зарбани Хоразм орқали амалга оширади. Бирок Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари куршовда қолишига қарамай, Тўхтамишхон бу шаҳарларни олишнинг улдасидан чиқолмайди. Асосий қуролли кучлар билан Широзда турган Темурбек қамалда қолганларга 30 минг кишилик мадад жўнатади. 1388 йилнинг февралида Амир Темур бутун кўшинини бошлаб, душманга қарши йўлга чиқади. Тўхтамиш эса Темурбек билан юзма-юз тўқнашишга юраги довбермай, зудлик билан Даشت-ти Кипчокка қайтиб кетади.

Тўхтамишхоннинг Олтин Ўрдадан бир неча минг чақирим масофада жойлашган Бухоро ва Самарқанд вилоятларига қилган хужуми, унинг муайян бир худуд учун эмас, балки умуман Темурбекка қарши олиб бораётган сиёсатининг натижаси ёканлигини Амир Темур тўғри англаб етган эди. У 1389 йилда Дизак

(хозирги Жиззах) нинг Аччиқ мавзейида Тўхтамишхон кўшинига қарши биринчи жиддий зарбани беради. Баъзи адабиётларда келтирилишича, Тўхтамишхон бошчилигига қозок чўллари ва Сирдарё бўйлаб харакат килган улкан кўшиннинг илғор кисми 1389 йил бошида Арис дарёсининг этагида жойлашган Зарнук шахри яқинида Темурбек томонидан исканжага олиниб, тор-мор этилади. Бу вактда Тўхтамишхон кўшиннинг асосий кисми билан Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги Сайрон таҳрини згаллатига бехуда уримокда эди. Сўнгра хар икки лашкарбоши ўртасида 1391 йилнинг 18 июнида Кундузча жангни ва ниҳоят, 1395 йил 15–17 апрелда Шимолий Кавказда учинчи йирик жанг–Терек дарёси бўйида бўлиб ўтди. Бу иккала жангда ҳам Тўхтамишхон кўшини қақшатқич мағлубиятга учрайди.

Сўнгги шиддатли жанг 1395 йилнинг 15–17 апрелида Шимолий Кавказда, Терек (Терак) дарёси бўйида

содир бўлади. Уч кун давом этган шиддатли жанг оқибатида Тўхтамиш ўзини ўнглаб ололмайдиган даражада кучли зарбага учрайди. Тўхтамиш устидан қозонилган ғалабанинг эътиборли томони шундаки, Амир Темур Идил (Волга)нинг Туротур кечуви бўйида чингизийлардан Ўрусхоннинг ўғли Кўйричокда қўлга киритган собик Жўчи улусини суюрғол (мулк) сифатида унга инъом этади. Россия тарихчилари Б.Д. Греков ва А.Ю. Якубовскийларнинг таъкидлапича, Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонгандан ғалабаси нафакат Ўрта Осиё учун, балки бутун Шаркий Европа, шунингдек, рус князликларининг бирлашишлари учун ҳам буюк аҳамият касб этган эди.

Амир Темур ўз салтанатининг жанубий чегаралари муҳофазасини кучайтириш мақсадида Эрон, Озарбайжон, Ирок, Шом (Сурия) устига уч марта кўшин тортади. Бу юришлар тарихда уч ишллик, беш ишллик ва етти ишллик урушлар деб ном ол-

ган. Уч йиллик (1386–1388) харбий юриш натижасида Эрон (Форс), Жанубий Озарбайжон, Ирокнинг шимолий кисми, Гуржистон ва Арманистон (Ван кўли атрофи)даги ерлар эгалланган.

Соҳибқирон ўз ихтиёри билан таслим булиб, моли омон тўлаган шаҳарларга қўшин киритмаган ва талафот етказмаган. Эрондаги музофарийлар, жалойирийлар сулоласи вакилларининг айирмачилик характеристлари, Мозандарон ва Жанубий Эронда кўтарилигандек кўзғолонлар Амир Темурнинг Эронга яна юриш қилишига олиб келган. Бу беш йиллик (1392–1396) уруш давомида Фарбий Эрон, Ироқи Ажам ва Кавказ эгалланган.

Амир Темурнинг Хиндистон устига қилган уруши (1398 йил май – 1399 йил март) қарийб 11 ой давом этди. Соҳибқирон Хиндистондан катта ўлжа, шу жумладан 120 та жанговар фил билан қайтди. Ўлжаларнинг бир кисми қўшинга тарқатиб берилди. Колгани Самарқанд ва Кеш

шашарларида олиб борилаётган қуришларга сарфланди.

Амир Темурнинг етти йиллик (1399–1404) ҳарбий юришлари натижасида Шомнинг Ҳалаб (Алеппо), Ҳумс, Баалбек (Баъалбек), Димишқ (Дамашқ) каби йирик шашарлари ва Ироқи Арабнинг Убулистон ўлкаси (қадимги Каппадокия) билан Бағдод, шунингдек, хозирги Туркияning катта қисми забт этилди.

Кенг кўламли ҳарбий юришлар натижасида Амир Темур салтанатининг чегараси Усмонли турк султонлиги сарҳадларига бориб тақалди. Соҳибқирон Усмонли турк султони Боязид Йилдирим билан муносабатни яхшилаш тарафдори бўлган. Зиддиятларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш мақсадида икки томон ўртасида бир неча бор мактублар алмашиш ташаббускори ҳам Амир Темур эди. Султон Боязид эса ҳар сафар қайсарлик ва манманлик қилгани, ҳатто, Амир Темур шахсига номақбул сўзларни ҳам ўз мактубларида ёзганлиги тари-

хий манбаларда кайд этилган. Бунинг устига, Боязид қорак ўюнлилар, музофарийлар ва жалойирийларнинг Амир Темурга карши харакатларини қўллабкуватлаган. Шу омиллар туфайли бу икки туркий давлат ўртасида тўқнашув содир бўлиши мукаррар эди.

Амир Темур билан Султон Боязид қўшинлари ўртасидаги ҳал қилувчи жанг 1402 йил 20 июлда Анқара яқинидаги Чибук мавзеида содир бўлади. Бу жанг тарихда *Анқара жанги номи* билан таърифланади. Хар икки томондан хаммаси бўлиб 360 минг нафар, шу жумладан сохибқироннинг 200 минг, Усмонлилар хукмдорининг 160 минг нафар аскари катнашади. Уч кун давом этган шиддатли жангда Амир Темур кучлари турк қўшинини тор-мор этади. Султон Боязид, ўғиллари Мусо ва Исо Чалабийлар асирга олинади. Голиб Амир Темур Боязид аскарларини таъқиб этиб, Онадўлу (Анатolia) яримороли ва Ўрта дengизнинг шаркий соҳилида жойлашган Измир шахрини эгаллайди

ва саличиларнинг Яқин Шарқдаги охирги қароргоҳига барҳам беради. Соҳибқиронга Миср ҳам ўз тобелигини изҳор этади. Византия ва бошқа христиан оламидан Боязидга тўланадиган божу хирожлар эндиликда Амир Темурга бериладиган бўлди.

Асирга олинган Боязид Йилдиримга Амир Темур шоҳона хурмат ва эҳтиром кўрсатди. Боязид вафоти (1403 йил 9 март)дан сўнг ворисларига бекиёс муруватлар қилди. Уғиллари Сулаймон, Мусо ва Исоларга отасининг мулкларини суюрғол қилиб ҳадя этди.

Бу икки буюк давлат ўртасида содир бўлган жиддий сиёсий воқеаларни сабрсизлик билан муттасил кузатиб бораётган Европанинг йирик давлатлари ҳукмдорлари – Франция кироли Карл VI (хукмронлик даври: 1390–1422), Англия кироли Генрих IV (хукмронлик даври: 1399–1413) ҳамда Кастилия ва Лион кироли Генрих III (хукмронлик даври: 1390–1407) Йилдирим устидан қозонилган буюк ғалаба

билан Амир Темурни табриклаб, унга муборакномалар йўллайдилар. Чунки сохибкирон эндиғина уйғонаётган Европага кескин хавф солиб турган Усмонли турклар давлатига зарба бериб, Европа давлатларининг халоскорига айланган эди.

АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИ ВА САРКАРДАЛИК МАХОРАТИ

Буюк саркарда Амир Темурнинг ҳарбий юришлари орасида *Қундузча жанги* алоҳида ажралиб туради. Бу жанг Амир Темур қўшини билан Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон ўртасида 1391 йил 18 июнда хозирги Самара билан Чистополь шаҳарлари оралиғида, Волга дарёсининг шаркий соҳилида жойлашган Кундузча мавзеида со-дир бўлган. У ўрта асрлардаги энг йирик жанглардан хисобланади. Ша-рафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Тўхтамишхон қўшини Амир Темурни-кидан анча кўп бўлган. Амир Темур

кўшинида 200 минг аскар бор эди. Кундузча жангидаги хар икки томондан 500 мингга яқин жангчи иштирок этган.

Амир Темур кўшинларини анъанавий тартиб – марказ, сўл ва ўнг қанот ҳолидан ўзгача тартибда тузишга ахл қиласи ва жанговар тартибнинг янги усулини қўллайди. Марказдаги қўлта амалда амир Сулаймоншох қўмондон бўлган. Унинг ортидан Мухаммад Султон бош бўлган қўл жойлашган, бу қўл кетидан сохибқирон қўл остида бўлган 20 та кўшин (бўлук) захирадаги қисм сифатида борган. Баронғорга Мироншох Мирзо, қунбул (қанот)га амир Ҳожи Сайфиддин барлос, жавонғорга Умаршайх Мирзо, унга қунбул сифатида амир Бердигек, Сарибуғ қўллари жойлашган. Ўғрук ва захира қисмларига қўмондонликни Амир Темур ўз зиммасига олган. Унинг кўшини марказ ортида бўлиб, ким ёрдамга муҳтоҷ бўлса ўшанга кўмак юборишга тайёр турган. Кейинчалик маълум бўлишича, жанг

тақдирини ушбу ҳарбий қисм ҳал этгандан.

Тўхтамишхон қўшинни 5 та қўлга тақсимлаб, уларга Жўчи хонадонига мансуб шаҳзодалар ҳамда энг олий дарражадаги амирларни қўмондон қилиб тайинлайди.

Жанг куни эрта тонгда Амир Темур қўшини кўз ўнгидан отдан тушиб Аллоҳдан мадад тилаб икки ракаат намоз ўқиган. Байрок ва туғларни кўтарган қўшин ногора чалиб, сурон айтиб, улкан жанг карнайлари садолари остида жангни бошлайди. Умаршайх қўмондонлиги остидаги сўл канот Тўхтамишхон томонидан берилган зарба натижасида мушкул ахволда қолади, ракиб қўшини сўл канотни ёриб ўтиб орқа томондан хужум уюштиришга эришади. Амир Темур бу пайтда қипчоқларнинг асосий қисмини таъқиб этмоқда эди, лекин у захирадаги қисм билан ўзининг сўл канотига ёрдамга келади ва душман улоктириб ташланади. Шундан сўнг Тўхтамишхон асо-

сий зарбани Шайх Темур Сулдуз раҳбарлигидаги қисмларга қаратади ва унинг фавжини яксон этиб ўртани ёриб чиқади, лекин қаршисидан Умаршайх Мирзо кўшини чиқиб муҳорабага киришади. Ҳожи Сайфиддин барлос бошлигидаги қанот кўшинлари ғаним жавонғорига хужум қила бошлади, бу хужум душман жавонғори қаршилигини синдиради. Тўхтамишхон Ҳожи Сайфиддинга карши куч ташлайди, бироқ соҳибқирон уларга қарши амир Жаҳоншоҳ қисмини ёрдамга юборади.

Араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Тўхтамишхон қўшинининг бир қисми икки лашкарбоши ўртасида чиккан низо туфайли жанг майдонидан кочган. Кундузча жангни соҳибқирон фойдасига ҳал бўлган. Тўхтамишхон кочган, унинг кетидан амирлар, сардорлар ва колган-кутган қўшини ҳам зргашган. Амир Темур нихоят отдан тушиб Аллоҳга ҳамду сано айтган. Амир Темур ҳар ўн

отлиқдан еттитасини душманни таъқиб этишга жұнатған. Волга дарёсигача таъқиб этилған Олтин Үрда жангчилари ўлдирилған ёхуд асир олинган. Жангдан кейин бир ойга яқын дам олған Амир Темур катта ўлжа билан Мовароуннахрга қайтған.

Мазкур биргина жанг мисолида буюк Амир Темурнинг саркардалик маҳорати ва ҳарбий санъатини биліб олиш мүмкін. Бу жанг жаҳон ҳарбий санъати ривожига катта хисса күшін Амир Темур ва темурийлар ҳарбий санъатининг накадар мукаммал бўлғанлигидан далолат беради.

Буюк лашкарбоши ва ҳарбий ташкилотчи ҳисобланмиш Амир Темур интизомли армия тузишга, жанг пайтида кўшин қисмларини одилона бошқаришга, жанг тақдирини ҳал қиласиган жойларга ҳарбий кучларни тезкорлик билан йўллашыга, мавжуд тўсик нағовларни тадбиркорлик билан бартараф этишга, кўшиндаги жанговар рухни юксак даражада ушлаб туришга эримған. Амир Темур ва

темурийлар армиясига чорвадорлар, хунармандчилик ва дехкончилик билан машғул утрок ахоли ҳам жалб килинган. Қўшинда ҳарбий кучларнинг асосини ташкил килган отлиқ аскарлар билан бир каторда, пиёдалар ҳам хизмат килган. Соҳибқирон Шарқда биринчилардан бўлиб армияга ўт сочар қурол – тўп (раъд)ни олиб кирган. Темурийлар даврида бу қуролнинг бошка турлари (зарбзан, фарангি, қозон ва х.к) кенг ёйилди. Тоғли ҳудудларда жанг ҳаракатлари олиб борувчи маҳсус ҳарбий қисм ва бўлинмалар ташкил килинган. Амир Темур жаҳон ҳарбий иш тарихида биринчи бўлиб қўшинни жанг майдонида анъанавий 5 та бўлакдан фаркли равишда 7 та қўлга бўлиб жойлаштириш тартибини жорий этган. Бу янгилик кейинчалик Тухтамишхон, Шайбонийхон сингари туркий саркардалар томонидан ўзлаштирилган ва ривожлантирилган. Ибн Арабшохнинг гувоҳлик беришича, соҳибқирон қўшинида аёллардан иборат маҳсус бўлинмалар

бўлиб, улар эркаклар билан бир сафда турган, жангларда қаҳрамонлик ва матонат намуналарини кўрсатган.

Темурийлар армияси сон жиҳатидан аниқ ташкил этилган, унинг жанговар тартиби такомиллашиб борган, ўз вактининг илғор қурол ва техникаси билан таъминланган, қисмлар бир-биридан кийим-бош, байрок ва туғлари билан фарқланган. Бундай фаркланиш жангда қўшинни бошқаришда қўл келган. Душман муҳофазасини турли усуслар билан барбод этиш, рақибнинг йирик шаҳарларига қўкқисдан зарба бериш, қалъа, кўргон ва ҳисорларни узоқ муддат мухосара қилиш, ёв кучларини иложи борича кенг кўламда қуршаб олиб қишлоқ, шаҳар, туман ва вилоятларни биринкетин забт этиб, душмани батамом яксон этгунгача таъкиб қилиш, таслим бўлган мамлакатларни бошқаришга ишончли кишиларни тайинлаш сингари амалиётлар Амир Темур ва унинг ворисларига кўплаб зафарлар олиб келган.



Тактика жихатидан Амир Темур лашкари ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Разведка (синчилик) аъло дарражада йўлга кўйилган, қисмларнинг жанггоҳда ёки жанговар сафда талаб даражасида харакат қилиши учун зарур чора ва тадбирлар ишлаб чиқилган, уларни жанг пайтида тезкорлик билан бошқаришга алоҳида дикқат қаратилган. Ўнлик, юэлик, минглик ва туман қўмондонларини танлап масаласига олий қўмондон масъул ҳисобланган.

Соҳибқироннинг ҳарбий санъат ривожига қўшган улкан хизматларидан яна бири – жанг пайтида қўшин қанотларини душман хужумидан муҳофаза қилиш ва ўз навбатида, ғаним кучларини ён томондан айланиб ўтиб, унга ортдан зарба бериш мақсадида тузилган отлик қисм – қунбулнинг жорий этилиши бўлган. Бундай янги ҳарбий қисм Александр Македоний, Ганибал, Чингизхон, Людовик XIV, Буюк Фридрих каби атоқли саркардалар қўшинида бўлмаган. Шайбонийхон

қўшинида бундай қисм мавжуд эди ва у тўлгама атамаси билан номланган.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Амир Темурнинг 12 минг кишилик қўшини жангга қўйидаги тартибда кирған. Дастребки тўқнашувни айғоқчилик билан машғул бўлган коровул бошлиб борган. Шундан сўнг ўнг ва чап қанот илғор қисмлари – баронғор хировули ва жавонғор хировули мададида асосий илғор қисм – манғлай жангта кирған. Манғлай ортидан баронғор ҳамда жавонғорнинг қолган икки бўлаги – чоповул ва шиковул кетма-кет харакатга келган. Ушбу кучлар душманни мағлуб этишга кифоя қилмаса, олий қўмондон (амир ул-умаро) бошчилигидаги марказ (қўл), (ғўл) хал қилувчи ҳужумга ташланган.

Соҳибқирон лашкар қатнашган улкан жангларнинг тактик бориш манзараси қўйидагича бўлган: қўшин маркази 40 бўлукка тақсимланган ва Олий қўмондонга итоат қилган. Ушбу бўлукларнинг сара жангчилардан ташкил топган 12 бўлуки сафнинг бирин-

чи қаторида, колган 28 бўлуки иккинчи ва учинчи қаторларда жойлашган. 40 бўлукнинг ўнг тарафи олдида амирзодалар кисмлари, сўл тарафи олдида қариндошлар ва иттифоқчилар кисмлари саф тортган. Иккинчи қаторнинг баронғорида 6 бўлук ўз илғори – ҳировул билан ўрин эгалланган. Айни шу миқдордаги бўлук ва ҳировулга жавонғор ҳам эга бўлган.

Иккинчи қатор баронғори ва жавонғори олдида юқоридаги тартибда биринчи қатор кисмлари жойлашган. Унинг олдида бош илғор – манғлай (ёки катта ҳировул) ҳаракатда бўлган. Енгил суворийлардан иборат икки бўлук армияни қўққисдан бўладиган ҳамладан муҳофаза килиш, душман кучлари ҳаракатини кузатиш билан банд бўлган.

Темурийларга кўплаб зафарлар келтирган бу харбий тартибга кейинги даврларда минтақани бошқаргап шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар, қўнғиротлар ва минглар сулолалари даврида анча ўзгаришлар киритилди.



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

Соҳибқирон томонидан ташкил килинган давлатда аввал ҳокими мутлак – Амир Темур, сўнгра эса унинг ворислари бевосита хукмронлик қилишган. Салтанатни *девонбеги* – Бош вазир бошлиқ етти вазирликдан иборат аркони давлат – вазирлик маҳкамаси бошкарган. Улардан биринчиси – *мамлакат ва раият вазирлиги*. У вилоят ва туманлардан тўпланадиган турли солик ва үлпонлар, етиширилган ҳосил ҳамда мамлакат ободонлиги билан шуғулланган. Иккинчиси – *вазири сипоҳ*, яъни ҳарбий ишлар вазири. У навкарларнинг таъминоти (маоши, озиқ-овкати ва қурол-яроғлари) билан шуғулланган. Учинчиси – *тижорат (савдо) вазири* эди. У ташки савдо божи – *тамга*, чорвачиликдан тўпланадиган *закот*, эгасиз колган мол-мулкларнинг тасарруфи, мерос ва меросхўрлик каби масалалар билан шуғулланган. Тўртинчиси – салтанатнинг молия ишлари вазири бўлиб, дав-

лат хазинасининг кирим-чиқимларини бошқарган. Чегара вилоятлари ва тобе мамлакатлар бошқарувини назорат килиш учун маҳсус учта вазир тайин этилган. Улар мазкур вилоят ва мамлакатлардан давлат хазинасига тушадиган даромадларни назорат қилган. Ўз навбатида, бу уч вазир салтанатнинг холиса деб юритилган бош назорат хайъатини ташкил этган. Бу етти вазир девонбегига бўйсунган ва у билан бамаслаҳат давлатнинг молиявий ишларини амалга оширганлар.


Амир Темур ва темурийлар хукмронлиги даврида салтанат девонхонасида Амир Довуд, Жалолиддин Фирузшоҳ, Фиёсиддин Шоҳмалик, Алоуддин Алика Кўкалдош ва Алишер Навоийдек доно девонбегилар бу олий мансабда фаолият кўрсатганлар, мамлакатнинг ободонлиги йўлида бекиёс хайрли ишларни амалга оширганлар.

Девонхона қошида *арзбеги*, *садри аъзам*, *шайхулислом* ва *аҳдос қозиси* каби лавозимлар мавжуд бўлган. Арз-

беги фуқаро ва сипоҳийлардан тушадиган арзлар, шикоятлар ҳамда мамлакатдаги ахвол тўғрисида маълумот тўплаш ва бу борада олий даргоҳга ахборот бериб туриш каби вазифаларни бажарган. *Садри аъзам* – бош садр мамлакатдаги барча вакф хўжаликларини назорат килган, давлат ҳамда ер эгалари томонидан вакф қилингандар ерлар ва мулкларни қайд этган ва вакфномалар тузиб уларни қонунлаштирган. *Шайхулислом* ахолининг турли ижтимоий табақалари ўртасида шариат аҳкомлари ва ислом ақидаларининг бажарилишини назорат килган.

Давлатнинг бош қозиси – қози ул-қуэзот “аҳдос қозиси” номи билан юритилиб, фуқаро ишлари билан шуғулланган. Салтанат маҳкамасида кирим-чиқимларини қайд этувчи маҳсус мунший – котиб фаолият кўрсатган.

Мамлакат маъмурий жихатдан улус, вилоят ва туманларга бўлиниб, ҳоким, ноиб ва беклар томонидан



бошқарилган. Уларнинг аксарияти харбий кишилар – амирлардан иборат эди. Хар бир шаҳар ва вилоятнинг молия девони, қозиси, муфтиси, мутаваллиси ва муҳтасиби бўлган. Лашкарлар учун маҳсус қозийи лашкар тайин этилган. Хар бир шаҳар ва қалъада қутвол (командант) тайинланиб, унга шаҳар ва қалъа истеҳкомларини таъмирлаш ва уларнинг мудофааси юкланган. Фатҳ этилган вилоят ва ҳудудлар темурий зодалар ва хизмат кўрсатган амирларга суюргол тарзида инъом қилиниб, улар оркали бошқарилган. Масалан, Амир Темур ҳаётлиги чоғидаёқ салтанатни асосан тўрт кисм (улус) га бўлиб, ўғиллари ва невараларига таксимлаб берган. Хурсон, Журжон, Мозандарон ва Сейистон (маркази Хирот) Шохрухга, Фарбий Эрон, Озарбайжон, Ирок ва Арманистон (маркази Табриз) Мироншоҳга, Форс, яъни Эроннинг жанубий кисми (маркази Шероз) Умаршайхга, Фазна, Балх ва Кобул вилоятлари.

Шимолий Ҳиндистон (маркази Фазна, кейинчалик Балх) катта ўғли марҳум Жаҳонгирнинг фарзанди Пирмуҳаммадга суюрғол қилиб берилган. Давлатнинг марказий қисми – Мовароунахр ва Хоразм (маркази Самарқанд) эса Амир Темурнинг ўзи томонидан бошқарилган.

Турон давлати ўзига хос тартиб-коидаларга асосланган холда идора этилган. Гарчи улуслар марказий ҳукуматга итоат этсалар да, аммо улар маълум даражада мустақил эдилар. Уларда алоҳида девонхона, қўшин бўлиб улусларнинг мажбуриятлари марказий ҳукуматга тобелик, давлат хирожининг бир қисмини Самарқандга юбориш ва олий ҳукмдор ҳарбий юришларида ўз қўшини билан қатнашиш ёки талаб этилган сонда аскар юборишдан иборат эди.

Эл-юргни бошқарища ҳарбий кучнинг аҳамияти катта бўлгани туфайли унинг такомилига алоҳида эътибор берилган. Темурбек амир ва амир улумаро (Бош амир) каби юқори дара-

жали харбий унвонлар жорий этган, кўшин бошликларини танлаш ва уларни тарбиялаш, лашкарий қисмлар ва уларнинг жойлашиш тартиби, навкар ва сарбозларнинг куролланиши ҳамда уларнинг интизоми масалаларига катта ахамият берган.

Давлатни бошқаришда қурултой ва кенгашлар ўтказиш алоҳида ўрин тутган. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур томонидан Балх, Самарқанд, Карши, Корабоғ ва бошка жойларда ўтказилган қурултой ва кенгашларда шахзодалар, давлат маъмурлари, харбий бошликлар, уламолар ва мулкдор зодагонларнинг вакиллари қатнашган. Уларда мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволига оид масалалар муҳокама этилиб, қарорлар қабул қилинган ва тадбирлар белгиланган. Масалан, 1403 йилда Кавказнинг Байлакон шахрида чакирилган кенгашга олиму фузалолар таклиф қилинган. Улардан мамлакатни бошқаришда, хусусан, унинг ободонлиги йўлида амалга оширила-

диган хайрли ишлар – жамоат бинолари ва иншоотлар қурилишларида ўз маслаҳатлари билан кўмак беришлари суралган.

Амир Темур ҳаётлик давридаёк давлатни бошқариш услугига бағишлиган махсус асар яратилиб, у кейинчалик “*Темур тузуклари*” номи билан шухрат топган. Унда давлатни бошқаришда кимларга таяниш, тожу таҳт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва қўшин бошликларини сайлаш, сипоҳларнинг маоши, мамлакатни идора этиш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошликларининг бурчи ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу таҳт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини такдирлаш тартиби ва бошқалар баён этилади.

Шундай қилиб, Турон давлатининг Амир Темур хукмронлик қилган даврида давлат тузилиши, конун-коидаларини тартибга солиш билан бир каторда, олий даргоҳ ҳаёти билан боғлиқ анъаналар ҳам карор топган.

Амир Темур ўз хукмронлиги даврида 27 мамлакатни ўз давлати таркибига кўшиб олган. Бу ҳакда унинг тилидан “Темур тузуклари” нинг иккинчи маколасида бундай дейилади: “*Амирлар, сипоҳсолорлар, баҳодирлар билан иттифоқ бўлиб, уларнинг мардлигу мардонаворлигига таяниб, шамшир зарби билан йигирма етти подшоҳнинг тахтини эгалладим. Турун, Эрон, Рум, Мағриб, Шом, Миср, икки Ироқ (Ироқи Араб ва Ироқи Ажам), Мозандарон, Гилон, Ширвон, Озарбайжон, Форс, Хурасон, Жете Даشت, Кипчоқ Даشت, Хоразм, Ҳўтан, Кобулистон, Бохтарзамин, Ҳиндистонга подшоҳ бўлиб, ҳукм сурдим*”.

Турон давлатини Амир Темур ва унинг ворислари – темурийлар сулоласи Мовароуннахр ва Хурасонда 1370–1507 йилларда, буюк бобурийлар сулоласи эса Ҳиндистонда 1526–1858 йилларда бошқаришди. Бу даврда мамлакат обод этилиб, у жаҳонда шухрат топди.

Амир Темур асос соглан давлат қадимги Шарқда уч йўналишда (ўтрок дехкончилик, дашт чорвачилиги ва шаҳарсозлик) шаклланган цивилизациялар коришган Турон-Туркистон ҳудудларида ривож топиб киёмага етган туркий (ўзбек) давлатчилигининг нодир намунаси эди.

МАМЛАКАТ ОБОДОНЛИГИ

Амир Темур ўз давлатининг шоншухрати учун унинг марказий кисми бўлган Мовароуннахр, айниқса, пойтахт Самарқанднинг ободонлигига алоҳида аҳамият беради. Унинг хар бир зафарли воқеани, севинчли ҳодисани мухташам меъморлик обидасини барпо этиш билан нишонлаш одати бўлган. Шу мақсадда хиндистонлик юзларча моҳир ғишт терувчилар, Шероз, Исфахон ва Дамашкнинг машхур уста-хунармандлари каторида ерли усталар мамлакатда улуғвор иморату ишишотлар бино қиладилар.

Соҳибқирон Табризда Жоме масжи-ди, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Туркистанда машхур шайх Аҳмад Яссавий қабри устига макбара бино қилдирди. У ўзининг саховати ва химматини, хусусан, Шахрисабз ва Самарқандда олий иморатлар курдиришда кўрсатди. Шахрисабзда отаси ва ўвли Жаҳонгирнинг қабрлари устига макбара барпо этиб, Жоме масжиди курдириди. Шахрисабзда машхур Оқсарой кад кўтарди. Бу муҳташам олий иморат пештоқи, тоқу равоқлари, гумбазу деворлари зангори ва олтин рангдаги нақшли кошинлар, гулдор ўймакор парчинлар эса ояту турли мазмундаги битиклар билан зийнатланди. Оқсаройнинг кошинкор ва парчинкор пештоқи гулдор нақшлари орасига “Агар бизнинг қувват ва қудратимизга ишонмасанг қурган иморатларимизга боқ”, дейилган хитобнома битилган. Туркистан шаҳрида Аҳмад Яссавий макбарасини бино қилишда ҳам шундай мақсад назарда тутилган.

Бу кўхна дунё тарихида қатор жаҳонгирлар хукмронлик қилиб ўтган. Уларнинг аксарияти ўзидан факат култепага айланган вайроналарнигина колдирган. Улардан фарқли ўларок, Амир Темур умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Унинг “*Қай бир жойдан бир гишт олсан, ўрнига ўн гишт қўйдирдим, бир дараҳт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим*”, деган сўзлари бунинг ёркин исботидир.

Чингизхон босқини давомида бутунлай вайрон этилган Самарқанд шахри соҳибқирон даврида ўзининг қадимги ўрнидан бирмунча жануброкда янгидан курилди. Шаҳар тевараги Оханин, Чорсу, Шайхзода, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Ферузакаби номлар билан юритилувчи олтита дарвозали мустажкам янги қалъа девори билан ўраб чиқилди. Шаҳар аркida Амир Темурнинг қароргоҳи – Кўксарой ва Бўстонсарой бино қилинди. Аркда Кўктош деб юритилган таҳт ўрнатилган улкан миёнсарой

(зал)дан ташқари, давлат девонхонаси, курол-яроғлар ясайдиган устахона ва аслаҳаҳона, тангалар сўқиладиган зарбхона, хибсхона каби иморатлар жойлашган. Самарқандда масжид, мадраса ва мақбаралар билан бир каторда, кўприк ва ҳаммомлар қурилган, шаҳар ташқарисида эса кўрикхона ва боғлар барпо этилган. 1403–1404 йилларда Самарқандда бўлган Испания элчisi Клавихо Амир Темур фармони билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кузатиб ҳайратда қолган. Ҳозирда Бибихоним номи билан машҳур Жоме масжиди ва бошқа кўпгина бинолар айнан ўша даврда кад қўтарган эди.

Бу даврда Самарқандда кўркам ва муҳташам иморатлардан ташқари турли қасбдаги ҳунармандчилик маҳаллалари барпо этилиб, устахоналарнинг омилкор эгалари учун шартшароитлар яратиб берилган.

Соҳибкирон Самарқанд атрофида кўпгина гўзал боғлар бунёд эттириди. Моҳир меъморлар, тажрибали соҳиб-

корларнинг акл-заковати, меҳнатию маҳорати билан барпо этилган Бояни Дилкушо, Бояни Чинор, Бояни Бекишт, Бояни Баланд, Давлатобод, Бояни Нав, Бояни Шамол, Бояни Жаҳоннамо, Бояни Майдон каби чорбоғлар ва улардаги гўзал кўшклар ўша давр боғдорчилик санъатининг намуналариданdir.

Тузилишига кўра боғлар икки турда бўлган. Биринчи турдаги боғлар хар томони тахминан бир км масофага чўзилган тўртбурчак шаклдаги чорбоғлар бўлиб, иккинчи турдагилари эса табиий дарахтзор, бутазор ва ўтлок майсазорларда барпо этилган кўрикхоналардир. Бундай кўрикхоналар ҳукмдорларнинг ов (шикор) қилиши учун мўлжалланган. Кўрикхонанинг ўсимлик ва хайвонот дунёси, шубҳасиз, нихоятда бой бўлган.

Шахарнинг шарқ томонида Бояни Дилкушо жойлашган. Унинг ташки ҳовлисида ҳашаматли сарой бўлиб, уни куролланган аскарлар кўриклаган. Ички ҳовлида эса туғлар билан беза-

тилган олтин фил ҳайкаллари сафга терилигап. Учинчи ҳовли Амир Темурнинг чет эллардан келган меҳмонларни кабул қиласиган олтин тахтли қароргохи бўлган. Соҳибқирон испан элчиси Клавихони ана шу боғдаги қароргохida тантана билан кабул қиласиган.

Амир Темур мамлакатни бошқарган даврда Мовароуннахрнинг дехқончилик воҳаларида, хусусан, Зарафшон водийсида катор суғориш тармоқлари қазилиб, суғорма дехқончилик майдонлари кенгайтирилди. Кўплаб янги қишлоқлар барпо этилди. Соҳибқирон давлат пойтахти Самарқанд атрофидагад кўтарган бир қанча қишлоқларни Шарқнинг машхур шаҳарлари Ди-мишк (Дамашк), Миср (Кохира), Бағдод, Султония ва Шероз номлари билан атади. Зоро, Самарқанд ўзининг катта ва янги шаҳар эканлиги, бекиёс гўзаллиги ҳамда теварак-атрофининг обод этилганлиги жихатидан жаҳондаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устунроқ турмоги лозим эди.

Мамлакат шаҳарларида, айниқса, унинг пойтахтида савдо ва хунармандчилик ғоятда ривожланади. Янги бозорлар, савдо расталари барпо этилади. Шаҳар билан дехкончилик воҳалари, чорвадор кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли ўртасида айрбоплаш, савдо алоқалари кенгаяди. Ўзаро савдони кенгайтиришда шаҳар аҳолиси алоҳида аҳамият касб этиди. Мамлакатнинг ички ва ташки савдоси кенгайиб, тараккӣ этишида Самарқанд катта ўрин тутарди. Клавихонинг таърифлашича, Самарқанд бозорида буғдор ва гуруч мўл ва арzon бўлган. Унда хунармандчилик маҳсулотлари: атлас ва кимхоб, ип ва жун тўқима моллари, мўйнали ва ипакли пўстинликлар; атторлик маҳсулотлари, зиравор ва доринорлар, ложувардлар ва бошқа турли моллар сотилган. Пойтахтга чет мамлакатлардан, хусусан, Хуросондан маъданлар, Хинд ва Синдан ёқут ва олмос, Хитойдан атлас, яшм (ҳамда) тоши, мушк ва бошқа моллар, ўзга ерлар-

дан олтин ва кумуш олиб келинган. Клавихо Хитой пойтахти Хонбалиқ (Пекин)дан 800 туялик савдо карвони келганини ўз кундалигида қайд этган.

Бу даврда Амир Темур ва унинг маҳаллий ноиблари Хитой ва Ҳиндистондан Ўрга Осиё орқали Якин Шарқ ва Европа мамлакатларига йўналган халқаро карвон йўли - Буюк ипак йўли ва унинг тармоқларини қатъий назорат остига олади. Савдо карвонлари қатновининг хавфсизлигини таъминлаш ва уларга кулайликлар яратиб бериш мақсадида жиддий чора-тадбирлар кўрилади. Шахарларда карвонсарой, Ипак йўли бўйлаб работлар, калъалар ва кўприклар курилади. Натижада Шарқ билан Farb мамлакатлари ўртасида савдо-сотик ва элчилик алокалари кенгаяди. Булар эса, шубҳасиз, Амир Темур давлатининг ташки иқтисодий ва элчилик алокалари баркарорлигини таъминлашга хизмат қилган.

АМИР ТЕМУР ДИПЛОМАТИЯСИ

Соҳибқирон дунёнинг замондош хукмдорлари эътиборини ўзига жалб этигина колмай, балки умумжахон сиёсий ҳаётига ҳам таъсир кўрсатди. Маълумки, бу даврда, бир томондан, султон Боязиднинг Болқон яримороли давлатларига нисбатан тазики кучай-иб, у бутун Европага ҳавф солаётган эди. Иккинчи томондан, Боязиднинг ўзи Фарб томон шиддат билан сил-жиб бораётган ҳавфли рақиб – Амир Темурнинг кучли тазикига дучор бўлган эди. Бундай ўта мураккаб сиёсий вазиятда Йилдиримга қарши кучларнинг маълум даражада бирлашуви табиий эди.

Авваламбор Боязиддан енгилиб, ўз ер ва мулкларидан маҳрум бўлган Кичик Осиё мамлакатлари хукмдорларининг элчилари Амир Темурдан мадад истаб, унинг Корабоғдаги ўрдugoҳига бориб, унда манзил топадилар. Ҳатто Византия ва Ғалатадаги Генуя ҳокимининг ноиби, Франция

кироли хамда Султония шаҳрининг католик миссионерлари ёрдам сўраб Амир Темурга мурожаат қиладилар. Бунинг эвазига улар ҳарбий юриш вактида унга мадад бериш хамда Константинополь (хозирги Истанбул) ва Перанинг Боязидга тўлаб келган божини бундан буён Амир Темурга тўлашга ваъда қиладилар. Бундай таклиф Амир Темурга макбул тушади. Чунки Туркияни денгиз соҳилидаги таянчидан ажратиш учун унга денгиздан мадад зарур эди. Шундай килиб, XIV аср охири ва XV аср бошларида султон Боязидга зарба бериш учун кулай сиёсий вазият вужудга келган эди. Бундай вазиятдан Амир Темур усталик билан фойдаланади.

Бу даврда Амир Темур Боязид билан ўзаро дипломатик ёзишмалар олиб бориш билан бир каторда, бўлажак тўқнашувда Трапезунд ва Константинополнинг ҳарбий кемаларидан фойдаланишга ҳаракат қиласи. Шу максадда у Генуя ва Венецияга совғасаломлар хамда мактублар билан зл-

чилар юборди. Амир Темурнинг 1402 йил 15 май куни Иоанн VII Палеолог номига йўлланган хати мазмунига караганда, Константинополь ноиби ва Генуянинг Перадаги хокими Боязидга карши курашда Амир Темурга хизмат қилиш, ҳатто унга одамлар ва ҳар кайсиси 20 тадан, жами 40 та ҳарбий кема билан ёрдам бериш мажбуриятини ўз зиммаларига олишлари лозим бўлган. Буни Испания элчиси Клавихо ҳам ўз кундалигида қайд қилиб ўтади.

Бу даврда Амир Темур юкорида номлари келтирилган Франция, Англия, Кастилия ва Лион қироллари билан дипломатик алоқалар ўрнатиб, ёзишмалар олиб боради. Шуни таъкидлаш керакки, турк сultonи қўшини устидан қозонилган ғалабадан сўнг Амир Темурнинг Farбий Европа давлатлари билан бўлган алоқалари мазмuni тубдан ўзгаради. Эндиликда соҳибқирон улар билан дўстона муносабатларни мустахкамлаш ва ўзаро савдо-сотик алоқаларини йўлга қўйиш

каби масалаларга аҳамият беради. Шу муносабат билан Амир Темур 1402 йил ёзида Франция ва Англияга махсус элчилар юбориб, ҳар икки мамлакат савдогарлари учун эркин савдо муносабатлари олиб борилишини таъминлаш ва агар кирол ҳамда герцоглар рози бўлсалар, бундай савдони тегишли битим ёки шартнома билан мустахкамлашни таклиф этади. Франция кироли Карл VI Амир Темурнинг таклифини мамнуният билан қабул қилган.

Айни шу даврда Шимолий Эрон, Ирок, Табриз ва Султонияни ўз ичига олган мулкларнинг хокими Мироншоҳ отаси Амир Темур кек сайиб қолган пайтда Farbii Европа хукмдорларининг дикқат-эътиборини ўзига жалб этади. Мироншоҳ ҳам ўз навбатида Европа давлатлари билан ўзаро савдо алоқаларини жонлантириш максадида христиан рухонийларига хайрихоҳлик билдириб, савдогарларнинг дахлсизлигини таъминлаш бора-сида чора-тадбирларни амалга оши-

ради. Шу сабабли Фарбда Мироншоҳ тез орада католик динининг хомийси сифатида шухрат козонади.

Кастилия (Испания) кироли Генрих III Шарқ билан жуда кизиқиб қолган эди. 1402 йил баҳоридаёқ дастлабки Испания элчилари Амир Темурнинг Кичик Осиёдаги қарогохига юборилган. Бунга жавобан Амир Темур ўз вакили Мухаммадқозини Испанияга элчи қилиб йўллайди. 1403 йилда эса Кастилия кироли Амир Темур хузурига иккинчи марта маҳсус элчиларини юборади. Уларга Руи Гонсалес де Клавихо бошлиқ қилиб тайинланади. Элчилар Самарқандда Амир Темур томонидан тантанавор қабул қилиниб, уларга катта эътибор ва хурмат кўрсатилади.

Клавихо бошлиқ Испания элчилари 1404 йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида Самарқандда бўладилар. Соҳибқироннинг Хитойга юриши муносабати билан кўпгина давлатларнинг элчилари каторида Клавихо элчилиги ҳам шу йилнинг 21 ноябрида

Самарқанддан ўз юртига кузатилади. Клавихо Испанияга 1406 йилнинг март ойида қайтиб келади. Унинг Самарқанд сафари таассуротлари “Буюк Темур тарихи” ва “Темур қароргоҳи” ҳамда “Самарқандга саёҳат кундалиги” номлари билан испан тилида бир неча бор нашр этилади.

Амир Темур Хитойга юриш даврида – 1405 йил 18 февралда Ўтрор шахрида оғир хасталикдан сўнг вафот этди. Унинг жасади Самарқандга келтирилиб, Гўри Мир (хозирги Амир Темур макбараси)га дафн қилинди.

АМИР ТЕМУР ВА АВЛОДЛАРИ ШАЖАРАСИ

Амир Темур асос соглан марказлашган буюк салтанатни *темурийлар сулоласи* бошқарди. Темурийлар даврида уларнинг давлати худуди шимолда Или дарёси ва Хоразм (Орол) дengизидан жанубда Форс қўлтиғига қадар, шарқда Хитой ва Ҳиндистондан ғарбда Трабзун (Кора

денгиз) га қадар улкан майдонни камраган. Давлат тузилиши, конун ва коидалари жиҳатидан улар мусулмон Шаркида ўрта асрларда хукм сурган давлатлардан катта фарк қилмаса-да, аммо унинг бошқарув тизими Турон, Туркистон, Мовароуннахр давлатчилигининг асрий анъаналари, салтанатга кирган мамлакатлар билан маданий алоқалар асосида янги тартиб ва коидалар билан такомиллаштирилган.

*Темурийлар сулоласининг
Мовароуннахр ва Хуросонда
ҳукмронлик қилган вакиллари
(1370–1507 йиллар)*

Марказлашган давлат тенасида турган темурий ҳукмдорлар (1370–1469): Амир Темур ибн Тарағой Баходир (1370–1405); Шоҳруҳ ибн Темур (1409–1447); Улуғбек ибн Шоҳруҳ (1447–1449); Абу Саид ибн Султон Мухаммад (1457–1469);

Мовароуннахр (пойтахти Самарқанд) даги темурий ҳукмдорлар

(1405–1500): Халил Султон (1405–1409); Улуғбек (1409–1449); Абдуллатиф (1449–1450); Абдулло Мирзо (1450–1451); Абу Саид ибн Султон Мұхаммад (1451–1469); Султон Аҳмад Мирзо ибн Абу Саид (1469–1494); Султон Махмуд Мирзо (1494–1495); Бойсунғур Мирзо (1495–1497); Султон Али Мирзо ибн Султон Махмуд (1498–1500);

Хуросон (пойтахти Ҳирот) даги темурий ҳукмдорлар (1396–1507): Шохрух (1396–1447); Улуғбек (1447–1449); Абулқосим Бобур (1449–1457); Шох Махмуд Мирзо (1457); Абу Саид ибн Султон Мұхаммад (1457–1469); Султон Ҳусайн Бойқаро (1469–1506); Бадиззамон Мирзо ибн Султон Ҳусайн Бойқаро (1506–1507) ва Музаффар Ҳусайн Мирзо (1506–1507).

Бобурийлар сулоласи

Хиндистанда ҳукмронлик қилған Буюк бобурийлар сулоласининг вакиллари (1526–1540; 1555–1858): Бобур ибн Умршайх Мирзо (1526–1530),

Хумоюн ибн Бобур (1530–1540; 1555–1556), Акбаршоҳ ибн Хумоюн (1556–1605), Жаҳонгиршоҳ ибн Акбаршоҳ (1605–1627), Шоҳ Жаҳон (1627–1658), Аврангзеб Оламгир (1658–1707), Баҳодиршоҳ I (1707–1712), Жаҳондоршоҳ (1712–1713), Фарруҳ Сияр (1713–1719), Муҳаммадшоҳ (1719–1748), Аҳмадшоҳ (1748–1754), Оламгир II (1754–1759), Шоҳ Олам II (1759–1806), Ақбар II (1806–1837), Баҳодиршоҳ II (1837–1858).

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУРНИНГ ЖАҲОН ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

Амир Темур мамлакатни 35 йил давомида бошқарди. У Ҳиндистон ва Хитойдан Кора денгизга қадар ва Орол денгизидан Форс кўлтиғига қадар бўлган ғоят улкан ҳудудни қамраб олган буюк салтанатни барно этди. Бундан ташкари, Кичик Осиё, Сурия, Миср ҳамда

Күйи Волга, Дон бўйлари, Балхаш кўли ва Ила дарёси, Шимолий Хиндистонгача бўлган мамлакатларни ўзига бўйсундириди. У нафакат Мовароуннахр ва Туркистонни обод этди, балки бўйсундирилган мамлакатларнинг шаҳарларини ҳам қайта тиклади. Ҳусусан, Бағдод, Дарбанд ва Байлакон шаҳарлари шулар жумласидандир. Шаҳарларда Жоме масжидлари, мадрасалар, хонақоҳлар, ҳаммомлар ва боғу бўstonлар барпо этди. Карvon йўллари бўйлаб работлар, калъалар, кўприклар курдирди. Энг муҳими, Эрон, Озарбайжон ва Ироқдаги таркоқлик ва бошбошдоқликка барҳам бериб, Шарқ билан Farb мамлакатларини борловчи қадимий карvon йўллари хавфсизлигини тиклади. Бу билан нафакат Мовароуннахр, балки Узок ва Яқин Шарқ мамлакатларининг иктисадий ва маданий тараккиётiga, халклар ва бутун диёрларни бирбири билан яқинлаштиришга улкан



хисса қўшди. Амир Темур Европа-нинг Франция, Англия ва Кастилия каби йирик қиролликлари билан бевосита савдо муносабатларини йўлга кўйди ва улар билан дипломатик алокалар ўрнатди.

Сиёсий тарқоқлик тугатилиб, марказлашган давлатнинг ташкил топиши катта ижобий натижаларга олиб келди. Мамлакатнинг косиб, хунармандлари Чингизхон юришлари ва мўгулларнинг бир ярим асрлик ҳукмонлиги оқибатида бухронга учраган иктисадиётни тиклашлари учун қулай шароит вужудга келди. Айни вактда хўжаликнинг асоси бўлган суформа дехкончиликда муайян силжишлар рўй берди. Фан ва маданият равнак топиб, шаҳарлар ободлашди ва гавжумлашди.

Амир Темурнинг харбий фаолияти ва унинг натижаларига баҳо берилар экан, шуни таъкидлаш керакки, сохибқирон кўзлаган мақсадлар ва бу борада у амалга оширган режа-

лар икки босқичда кечган. *Биринчи босқичда* (1360–1386) Амир Темур Мовароуннахри мўғуллар зулмидан озод этиб, марказлашган давлат тузиш йўлида мамлакатда ўрга асрларда қарор топган таркок мулкларни бирлаштириш учун курашди. Унинг бу даврдаги фаолияти Ўрта Осиё халқарининг ижтимоий-иктисодий ва маданий тараққиётида, шубҳасиз, улкан ижобий аҳамият касб этди.

Амир Темур фаолиятининг *иккinci босқичида* (1386–1405) уч йиллик, беш йиллик ва етти йиллик ҳарбий юришлар амалга оширилиб, Олтин Ўрда, Эрон, Ирок, Кавказ, Кичик Осиё, Миср ва Хиндистон ерлари эгалланди. Бу юришлар, шубҳасиз, шиддат билан олиб борилди. Таслим этилган худудларда Амир Темур томонидан каттиққўллик билан ўрнатилган тартиблар ва қатъий сиёsat айrim норозилик ва каршиликларнинг намоён бўлишига ҳам сабаб бўлди.

Амир Темурнинг ҳарбий фаолияти теранроқ таҳлил этилиб, унга баҳо берилганда шуни таъкидлаш жоизки, у, аввало Осиё (Қадимги Турон – Туркистон) саркардаси эди. У ўзининг жанговар аскарлари ва куролларидан ўз замонасининг таомили бўйича фойдаланади. Дарҳақикат, тўқнашувларда енгилиб, шартнома тузгач, ўз ахлидан қайтган хиёнаткор душману соткин танимларга нисбатан берилган жазо, шубҳасиз, ниҳоятда қаттиқ, аммо кўпинча адолатли бўлган. Соҳибқирон ўрта асрларда шаклланиб, қарор топган жамиятнинг мураккаб фикрловчи сиймоси эди. У юксак ҳарбий даҳолик намунасини кўрсатиб, қатъият билан ўз жамиятига сидқидилдан хизмат килди. Шу боис муаррихлар Амир Темурни Эрон шаҳаншохи Доро, македониялик Александр (Искандар), римлик Юлий Цезарь ва бошка тарихий хукмдорларга киёс қилиб, улар билан бир сафга кўядилар. Амир Темур машхур давлат арбоби, ўз даврининг тенгсиз мохир саркардаси сифа-

тида Ўзбекистонда давлатчиликнинг юксалишида муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг саъй-харакатлари билан Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни муносаб бахоланди. Ватанимизда унинг шахси ва фаолиятини ўрганишга ҳамда оммалаштиришга кенг йўл очилди. Ўзбекистонда унинг номи агадийлаштирилди. Катор шаҳар ва қишлоклардаги шоҳкӯчалар, майдонлар, ширкат хўжаликлари, мактаблар, кинотеатрлар ва бошқалар Амир Темур номи билан аталди. Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида Тошкент, Самарқанд, Шахрисабз ва бошқа шаҳарларнинг марказий майдонларида Амир Темурга ҳайкаллар ўрнатилди. Ўзбекистонда 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Тошкентнинг Амир Темур хиёбонида Темурийлар тарихи давлат музейи барпо қилинди (1996). "Амир Темур" ордени таъсис этилди (1996) ва халқаро Амир Темур жамғармаси ташкил қилинди (1995). ЮНЕСКО халқаро ташкилоти билан

хамкорликда Тошкент, Самарқанд, Шахрисабз шаҳарларида ва халқаро миқёсда сохибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди (1996). Амир Темур таваллудининг санаси ҳар йили Ўзбекистонда кенг жамоатчилик, хусусан, ёш авлоднинг фаол иштирокида муттасил равишда ўтказилмокда. Мустақиллик шарофати билан Амир Темур хақида икки кисмдан иборат бадиий фильм, спектакллар ва шеърий ҳамда насрый асарлар яратилди.



АМИР ТЕМУР ВАСИЯТИ

Эмди Пир Мухаммад Жаҳонгирким, валийаҳд килибмен ва ўрнумга қойиммақом этибменким, Самарқанд вилояти аники бўлғай. Ва истиқлол ва тамкин била ўлтуруб, мамолик тадбиридин ва черик ва раият ҳолидин хабардор бўлғай. Сизлар, керакким, анга мутиъ бўлуб, иттифок билан анинг ишига машғул бўлғайсиз, то олам бузилмағай ва мусулмонларга ташвиш ва заҳмат бўлмағай. Ва неча йиллик саъии қилғоним зоёв бўлмағай. Ва андоқ керакким, сизнинг иттифоқингизни билиб, эл йироқдин ҳисоб олғайлар ва хеч кишига ул кувват бўлмағайким, мухолифат кила олғай.

(Шарафуддин Али Язди.
Зафарнома)

Ўилларим, миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сакламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўкинг, асло унуманг ва татбиқ этинг.

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангизэдир. Заифаларни кўринг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламант. Адолат ва Озодлик дастурингиз, раҳбарингиз ўлсун. Мен киби узун салтанат сурмак истасангиз, қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир даъфа чеккандан сўнгра-да, уни усталик-ла қўллангиз. Орангизга нифок тухумлари экилмаслиги учун кўп диккат бўлинг. Баъзи надимларингиз ва душманларингиз нифок тухумлари сочмакка, бундан фойдаланмакка чалишажакдурлар. Фақат васиятимда сизга идора шаклини, унинг илкуларини кўрсатдим. Буларга содик колсангиз тож бошингиздан тушмас.

Ўлим тўшагида сўйлаган отангизнинг сўзларини унумангиз.

Мендан сўнг ҳоқон, Пир Мухаммад Жаҳонгир ўлажакдур. Оига, мен-

галинга итоат этар киби итоат эта-
жаксиз. Кўмондонларим, хозир итоат
омини этингиз...

(Амир Темур васияти)

“Темур тузуклари”дан

Ўн икки тузук

Мамлакатларни фатх этгувчи баҳт-
ли фарзандларим ва жаҳонни идо-
ра этгувчи кудратли набираларим-
га маълум бўлсинким, Тангри таоло
даргоҳидан умидим шулки, кўплаб
фарзандларим, авлодим ва зурриётим
салтанат таҳтига ўтириб, мамлакатлар-
ни идора этгай. Шунинг учун салта-
нат қуриш, давлат тутиш бобида ўзим
қўллаган ишларни бир неча тузукка
боғладим ва салтанатни бошқариш
ҳақида қўлланма ёзиб колдирдим,
токи фарзандларим, авлодим ва зур-
риётимдан бўлганларнинг ҳар бири
унга мувофиқ иш юритсин; меҳнату
машакқатлар, кўп ҳарбий юришлар,
уруш-талошлар билан, Тангрининг
инояти ва ҳазрати Мухаммаднинг, унга

Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, толеъи баланд миллатининг шарофати, онҳазратнинг улуғвор авлоди ва қимматли саҳобаларига килган муҳаббат ва дўстлигим оркали кўлга киритган давлат ва салтанатни сақлагайлар.

Бу тузуклардан салтанат ишларини бошқаришда кўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлгай.

Энди менинг номдор, баҳтиёр фарзандларим ва мамлакатларни забт этгувчи иқтидорли набираларимга йўлйўриғим шулки, мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни забт этиб, салтанатимни бошкардим ва салтанат таҳтига зебу зийнат бердим. Улар ҳам ушбу тузукка амал қилсинлар. Менинг ва ўзларининг давлату салтанатларини эҳтиёт қилсинлар.

Биринчиси – давлат ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи ту-

зугим шулким, Тангри таолонинг дини ва Мухаммад мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим.


Иккинчиси – шулким, ўн икки табака ва тоифадаги кишилар билан мамлакатларни забт этдим, уларни идора қилдим. Давлат, салтанат устунларини ўшалар билан қувватлаб, мажлислиаримни шулар билан зийнатладим.

Учинчиси – шулки, маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва хушёрлик, эҳтиёткорлик билан ғаним қўшинларини енгиб, мамлакатларни ўзимга бўйсундирдим. Салтанатим ишларини муросаю мадора, мурувнат, сабр-тоқат билан юргиздим. Кўп нарсани билиб турсам ҳам ўзимни бил масликка солдим, дўсту душман билан муросаю мадора қилдим.

Тўртинчиси – давлат ишларини салтанат конун-коидаларига асосланган холда бошкардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз марта-

ба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипох, раият, хар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик кила олмади.

Бешинчиси – амирларим ва сипохийларимни мартаба ва унвонлар, олтин-кумуш билан хушнуд этдим. Базмларда уларга [ўз ёнимдан] ўрин бердим, шунинг учун жангларда жонларини фидо қилдилар. Дирҳам ва динорларни улардан дариф тутмадим. Уларнинг юмушларини енгиллаштириш учун меҳнату машақкатларини ўзимга олдим ва уларни тарбият қилдим. Амирлар, сипохсолорлар, баходирлар билан иттифок бўлиб, уларнинг мардлигу мардонаворлигига таяниб, шамшир зарби билан йигирма етти подшоҳнинг таҳтини эгалладим. Турон, Эрон, Рум, Мағриб, Шом, Миср, икки Ирок, Мозандарон, Гилон, Ширвон, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Жете Даشت, Қипчок Даشت, Хоразм, Хўтан, Кобулистон, Боҳ-



тарзамин, Хиндистонга подшох бўлиб,
ҳукм сурдим...

Олтинчиси – адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўэсимдан рози этдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамларнинг кўнглидан жой олдим. Сиёsat ва инсоф билан сипоҳийларим ва раи-ятни умид ва кўркинч орасида тутдим. Фукаро ва кўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга инъомлар улашдим...

Еттинчиси – саййидлар, уламо, машойих, оқилу донолар, мухаддислар, тарихчиларни сара, эътиборли одамлар хисоблаб, иззату хурматларини ўрнига кўйдим. Шижаотли кишиларни дўст тутардим, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди. Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим, уларнинг ҳимматларидан улуш тилаб, муборак нафаслари билан дуо-фотиха

беришларини илтимос қилдим. Дарвиш, фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим, уларнинг кўнгилларини оғритмадим ва бирон талабларини рад этмадим. Бузуки ва оғзи шалок, фийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим, сўзларига амал қилмадим. Бирор кимсага тухмату фийбат қилсалар, қулок солмадим.

Саккизинчиси – азму жазм билан иш тутдим. Бирор ишни бажаришни ўйласам бутун зеҳним, вужудим билан борланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим. Ҳар неки десам, унга ўзим амал қилдим. Ҳеч кимга ғазаб билан каттиқ муоммалада бўлмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг этмасин деб. Одам Атодан бошлаб Мұхаммад пайғамбаргача, улардан то хозирги дамгача ўтган сultonларнинг конунларини ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриклари, туриш-

турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотиримда сакладим ва яхши ахлоклари, маъқул сифатларидан ўрнак олиб, унга амал қилдим. Давлатларининг таназзулга учраши сабабларини суриштирудим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сакландим, аслни бузувчи, очарчилик ва вабо касали келтирувчи зулм ва бузукчиликдан сакланишини ўзимга лозим билдим.

Тўққизинчиси – раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға каторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мижозидан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир ўлка ва шаҳар ахолисининг улуғлари билан дўст тутиндим. Уларнинг мизожларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларни уларга хоким килиб тайинладим. Ҳар бир диёр ахолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим. Ҳар бир мамлакатнинг аҳволини, сипоҳу раият кайфиятини, туриш-турмушини, қилиш-

қилмишларини, ўрталаридағи алоқаларни хатта битиб, менга билдириб туришлари учун диёнатли, түғри ёзувчи кишиларни белгиладим. Борди-ю этгі ёзғанлари менга билдирилса, уларни жазоладим. Ҳокимлару сипохдан қай бирининг халққа жабрзулм еткизганини эшитсам, уларга нисбатан дархол адолату инсоф юза-сидан чора күрдим.

Ўнинчиси – турку тожик, арабу ажамнинг турли тоиға ва қаби-лаларидан бўлган ва хизматимга кирганди кишиларнинг улуғларига иззатхурмат кўрсатдим, колганларини ҳам ўз холига яраша сийладим. Яхшила-рига яхшилик килдим, ёмонларини эса ўз ёмонликларига топширдим...

Ўн биринчиси – фарзандлар, ка-риндошлар, ёру биродар, кўшнилар ва мен билан бир вактлар дўстлик килган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унумадим, [молу мулк ва накд пул билан] ҳақларини адо этдим. Ўз фар-зандларим, қавму қариндошларимдан

кариндошлик меҳрини узмадим. Улардан нораво иш ўтган бўлса, дархол [қўл-оёғини] боғлаб, ўлдиришга буюрмадим. Ҳар кимни [туриш-турмушнинг пасту баландларида] турли йўллар билан синаб билиб олдим ва уларга шунга яраша муомала қилдим. Ҳаётнинг кўп иссиқ-совуғини кўриб, улардан сабоқ олиб, тажрибамни оширдим. Шунинг учун дўсту душман билан келишиб яшадим.

Ўн иккинчиси – дўст-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳийларни хурмат қилдим, чунки улар бокий мато бўлган жонларини фоний дунё моли учун сотадилар. Ўзларини маърака-майдонга, ҳалокатга отиб, жонларини курбон қиладилар.

Ўн икки тоифа

Салтанатим ишларини тартиб-интизомга солиб, салтанатим мартабасига тура ва туэук билан зебу зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифадаги кишилар билан мустаҳкамладим.

Салтанатим мартабаси бўлмиш тўра-тузуклар ва қонун-коидаларни хам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи деб хисобладим.

Биринчи тоифа – саййидлар, уламо-ю, шайхлар ва фозилларни ўзимга яқинлаштирдим. Улар менинг саройимга доимо келиб-кетиб, мажлисларимни безаб туришди. Диний, хукукий, ақлий масалаларни ўртага ташлаб, қимматли фикрлар билдиришарди. Ҳалол ва ҳаромга оид масалаларни мен улардан ўргандим.

Иккинчи тоифа – ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари; эҳтиёткор, қатъиятли арбоблар; кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи, кекса ва тажрибали кишиларни хос мажлисимга киритиб, уларнинг сухбатларидан, ишларидан наф олиб, тажриба ҳосил қиласдим.

Учинчи тоифа – дуогўй кишиларни кадрладим. Хилватда улардан дуо-

лар тилаб, истакларимнинг бажо этилишини ўтиниб сўрардим. Мажлисларда, йиғинлар, базмлар ва жанг майдонларида улардан кўп баракотлар топдим. Чунончи, менинг лашкарим Тўхтамишхон лашкарининг кўплигини кўриб саросимага тушиб қолганда, сохиби дуо бўлмиш Мирзиёуддин Сабзаворий бошидан салласини олди; кўлларини дуога очиб мен учун Тангридан зафар тилади. Ҳали дуоси тугамай, дуо таъсири кўринди ва лашкарим ёғийни қочирди.

Яна бир мисол шулки, саройим ҳарамидагилардан бири қаттиқ бетоб бўлиб, ўлми яқинлашди. Дуогуй саййидлардан ўн икки киши йиғилишиб келдилар. Ҳар бири ўз умридан бир йилни унга бағишлади ва у соғайиб яна ўн икки йил умр кўрди.

Тўртинчи тоифа — амирлар, сарханглар, сипоҳсолорларга мажлисимдан ўрин бериб, мартабаларини юкори кўтардим. Улар билан сухбатлашиб, маслаҳатлар олдим.

Жанг майдонида кўп мартаба қилич чопишган шижаатли жасур кишиларни хуш кўрадим; жанг майдонларига от чоптириб кириб-чиқиш усулларини, ғаним лашкари тўпини бузиб, сафларини синдиришни, найза санчиб, қилич чопишни улардан сўрар эдим. Сипоҳгарлик ишларида уларга ишониб кенгаш сўрар эдим.

Бешинчи тоифа – сипоҳ ва раият бўлиб, ҳар иккисига бир кўз билан карадим. Сипоҳийлардан чикқан баходирлар, довюракларга маҳсус фахрли ўтоға, камар ва ўқдон такдим этиб, мартабаларини кўтардим. Ҳар мулк ва мамлакатнинг беклари, улуғлари, бошлиқ-оқсоқолларини хурматладим; уларга совға-саломлар бериб, хизматларидан фойдаландим. Сипоҳийларимни хамиша жангга тайёр холда тутдим; ойлик ҳақларини сўраттирмай вактида берардим. Чунончи, Рум юришида сипоҳийларимга ўтган ва келажакда киладиган хизматлари учун етти йиллик озиқаларини бирваракайига бердим. Сипоҳ ва ра-

иятни шундай тутдимки, биронтаси иккинчисига зулм кўрсатиб, оёқ ости қилолмас эди. Бошқа сипохийларни ўз мартабаларига ва даражаларига қараб шундай сакладимки, улар хадидан ошиб ортиқча қадам қўёлмасди. Уларнинг мартабаларини на кўп кўтариб, ховлиқтирмадим ва на кўп тушириб кўнгилларини чўктирмадим. Қайси бири бирор хизмат кўрсатар экан, инъомлар бериб, бошқалардан айрича хурматладим.

Кимнинг акли ва шижаотини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларнидан ортиқроклигини билсан, уни тарбиятимга олиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматларига яраша мартабасини ошириб борардим.

Олтинчи тоифа – ишончли, тўғри эътиқодли оқилхирадманд кишиларким, давлат сирларини уларга очиб, салтанат ишлари бўйича улардан маслаҳат олишимга лойик эдилар. Бу тоифа кишилар билан сирдошлиқ килиб, ўз маҳфий ишларим

ва ниҳоний сир-асроримни ўшаларга топширдим.

Еттинчи тоифа – вазирлар, де-
вон котиблари ва муншийларини, сал-
танатим саройини шулар билан безат-
дим. Буларни менга тобеъ мамлакат-
ларни кўрсатувчи кўзгу деб билдим.
Чунки улар хар мулк-мамлакат, сипоҳ
ва раият воқеаларини менга билди-
риб турдилар. Булар давлат хазинаси,
сипоҳ ва раиятга оид ишларни тартиб-
га солиб юритдилар. Салтанат мулки-
га тушган рахналарни беркитишнинг
лойик чораю тадбирларини кўрдилар.
Салтанатим корхонаси хазинасининг
кирим ва чиқимиға оид ишларни
тўғри олиб бордилар. Ҳамиша мам-
лакат тўқинчилиги ва ободлиги учун
харакат қилишарди.

Саккизинчи тоифа – ҳакимлар,
табиблар, мунажжимлар ва мухан-
дисларки, улар салтанат корхонаси-
га ривож берувчилардир. Уларни ўз
атрофимга тўпладим. Ҳакимлар ва
табиблар билан иттифокда беморлар-
ни даволатар эдим. Мунажжимлардан

сайёralарнинг қутлур ва қутсиз кунлари, уларнинг ҳаракати ва осмонда айланишини аниқлаб олардим. Мухандислар билан иттифоқда олий иморатлар қуриб, бофу бўстонларнинг тархини чиздирдим.

Тўққизинчи тоиға – мухадислар, пайғамбар, унинг авлодлари ва саҳобалари ҳакида ривоятлар нақл қилувчилар хамда киссаҳонлар бўлиб, уларни ҳам ўзимга яқинлаштирдим. Пайғамбарлар ва авлиёлар ҳакидаги қиссаларни, ўтган подшохлар тўғрисидаги хабарларни, уларнинг салтанат таҳтига қандай етишганликларни, давлатларининг қандай сабабларга кўра завол топганлигини улардан сўраб билардим. Ҳар қайсисининг қиссалари ва хабарлари, ишлари ва сўзларини эшитиб тажриbam ортди. Оlamda бўлаётган воқеаларни улардан эшитардим ва жаҳон аҳли аҳволидан хабар топар эдим.

Ўнинчи тоиға – машойихлар, сўфийлар, Худони таниган орифлардир. Уларнинг хизматларида бўлиб,

сұхбатлар курдим ва охират фойдаларини олдим. Улардан Тангри таолонинг сўэларини эшишиб, кароматлар кўрдим, мўъжизаларини муроҳада этдим ва сұхбатларидан роҳатланиб, хузур килдим.

Ўн биринчи тоифа – касбу хунар эгаларидир; буларнинг ҳар тоифа ва синфидан бўлганларини давлатхонамга олиб келиб, ўз ўрдамдан ўрин белгиладимки, сафарда ва турғунликда сипоҳимга керакли яроклар ва бошқа жиҳозларни хозирладилар.

Ўн иккинчи тоифа – ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчиларию мусоффирларининг бошини силадимки, турли мамлакатлардан менга хабар келтириб турдилар. Ҳар бир мамлакатга ва диёрга савдогарлар ва карвонбoshiлар тайинладимки, улар қаерга боришимасин, Хитойгами, Хўтан, Чину Мочин, Хиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистонгами, у ерларнинг нафис матолари ва муносиб тухфаларидан келтирсинлар. Ўша мамлакатларда

истиқомат қилувчи кишиларнинг ҳола-
зволи, туриш-турмуши хақида мен-
га хабар олиб келсинлар. Ҳар бир
мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига
қандай муомалаю муносабатда эканли-
гини аникласинлар.



ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА АМИР ТЕМУР ТАВСИФИ

Ибн Арабшоҳ

**Ажоиб ал-мақдур фи
тариҳи Таймур**

**(Темур тарихида тақдир
ажойиботлари)**

*Темурниң баодат сифатлари ва
унга ато қилинган тұгма хислатла-
ри ва табиати ҳақида бўлиш*

Темур баланд кадли, узун бўй-ли, тик қоматли, гўё у қадимий пахлавонлар авлодларидан бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, ажойиб бўлалик, ранги оку кизил юэли, лекин доғсиз,

буғдой-ранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қаддиқомати камолига етган, серсоқол, ўнг оёқ-кўли чўлоқ ва шол, икки кўзи бамисоли икки шам бўлса-да, шодлиги билинmas, йўғон овозли эди; у ўлимдан кўрқmas, ёши саксонга етган бўлса-да, изтиробсиз, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, худди зич (қалин) тош мисоли каттиқ эди. У ҳазилмазах ва ёлғонни ёқтирmas, ўйинкулгию кўнгил хушликка майлсиз, гарчи (сўзда) ўзига озор етадиган бирон нарса бўлса ҳамки, садоқат унга ёқар эди: “у (бўлиб) ўтган ишга азиат чекmas” ва ўзига ҳосил бўладиган (ютуқ) дан шодланmas эди.

Темур тамғасининг нақши “рости рости” бўлиб, бу “хақгўй бўлсанг, нажот топасан” демакдир. Унинг отларидаги тамға, тангаю тиллоларига зарб бериладиган (ассосий) белги ҳам мана шундай -  уч халқадан иборат эди. Кўпинча унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир

олиш, нахбу ғорат қилиш ва ҳарам (ҳаки)га ҳақорат гаплар бўлмас эди. Темур кўркмас, шижоатли, ботир кишиларни итоат килдирувчан бўлиб, жасоратли (киши)ларни, довюрак ва мардларни ёқтирас эди. Улар ёрдамида даҳшатли жойлар қулфларини фатҳ этиб, одамлар шерларини ўлжа қиласар, улар зарбалари билан баланд тоғлар чўккиларини вайрон қиласар эди. У бехато (нишонга урувчи) фикрли, қатъий азм билан сўзловчи, (бошига) қулфат тушганда ҳам хакгўй (киши) эди. Мен дедим:

*Унинг фикрлари фитна оловини
қанча ковламасин,
Кулфат чогида уни ҳимоя қилиб,
(ўзга) қабилаларни куйдирди.*

У (бировдан) бир гап эшитганда далил талаб киладиган, зиддан караш ва кўз ишоратларини сезадиган идрокли киши эди. У синчков бўлиб, хар бир ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юз берадиган барча ишни кўриб-билиб турар эди. Унинг назаридан алдов-

чининг алдови яшириниб қолмас ва фиригарнинг фириби ўтмас, ўз фаросати билан ҳакгўй ва ёлғончини ажратар эди. Ўз зийраклиги, тажрибаси билан чин (ҳак) насиҳатгўйдан сохта (насиҳатгўйни) идрок этар, ўз афкори билан сал бўлмаса “учар юлдуз”ни тўғри йўлга бошкарап, ўз фаросати, мулоҳазалари билан ҳар бир бехато сайёра ўқини ўз орқасидан эргаштирап эди. Мен дедим: “Гўё қаровчи кўрганини ўз кўзи билан мушоҳида этгани каби”.

У ақл кўзи билан барча ишлар оқибатининг мушоҳидидир. Агар у бирор нарсани амр қилса ёки бир нарсага ишорат қилса, у асло қайтмасди ёки у бирор нарсага қасдланса, бекарорлик, евгилтаклик ва сусткашликка мансуб бўлмаслик учун ўз қатъияти жиловини у нарсадан сира бузмасди. Мен дедим:

*Агар у бир сўз айтса ёки бир нарсага
ишорат қилса,
Унинг амрини шу (иш) хусусида
узил-кесил фармон деб билавер.*

Унинг лақабларини кўшганларида
Темурни етти иқлим сохибкирони,
еру сувни идора қиласидиган (зот),
подшоҳлару султонлар жаҳонгири деб
атардилар...

Бўлим

Темур олимларга меҳрибон бўлиб,
саййиду шарифларни ўзига яқин ту-
тарди. Уламолар ва фозилларга тўла-
тўқис иззат кўрсатиб, уларни хар
кандай кимсадан батамом муқаддам
кўрарди. Уларнинг хар бирини ўз мар-
табасига қўйиб, ўз икрому хурматини
унга изҳор этарди. Уларга нисбатан
ўз муруввати бисотини ёярдики, бу
муруввати унинг ҳайбати билан ара-
лаш эди. Улар билан мазмунли баҳс
хам юритар эдики, бу баҳсида инсофу
химмат бўларди. Унинг лутфи қаҳри
ичига қорилган бўлиб, кўрслиги эзгу-
лиги орасига қўшилган эди. Шеър:

*Кудратни жам қилган икки хил
там унда бўлиб,
Гўё у. хурсандчилик ҳам, хафачилик
ҳам эди.*

Яна айтилган:

Душманларига нисбатан аччиқ юзли,
қабиҳ,
Дўстлари учун асал сингари ширин
(сўз) у, хуштаъб эди.

Темур ҳар қандай хунар ва касб булмасин, агар унда бирон фазилат ва шарофат бўлса, шу касб эгаларига ғоятда меҳр кўйган эди. У табиатан масхарабоз ва шоирларни ёктирилас, мунажжиму табибларни (ўзига) яқин тутиб, улар гапларига эътибор қилас ва сўзларини тингларди. Ўз фикрини пешлаш мақсадида у муттасил шатранж ўйнарди. Унинг ҳиммати кичик шатранж (ўйнаш)дан олий бўлиб, у катта шатранж ўйнарди..... Темур тарих (китоб)лари, худонинг раҳмати ва саломи бўлғур анбиёлар қиссаларини, подшоҳлар сийратлари ва ўтган салафлар ҳакидаги ҳикояларни доимо – сафарда ҳам, ҳадарда ҳам ўқитиб, қунт билан тинглар эди. Буларнинг ҳаммаси форс тилида эди...

Бўлим

Темур тенги йўқ феъл-атворли,
чукур мулоҳазали кини бўлиб, унинг
тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва
(унинг) тадбири тоғига на текислигу
на ғадир-булур орқали йўл топиларди.
У ерларнинг барча томонларида ўз
айғокчиларини тарқатиб, колган мулк-
ларида эса жосуслар қўйган эди...
(Жосусларнинг) буниси Қоҳирада,
Муизияда бўлса, униси Дамашқда,
Шамийсоядаги сўфийлардан бири
эди....

Бўлим

Темурнинг мағурурлиги ва улуғвор-
лигидан, такаббурлик, димоғдорлик
ва ҳурматининг шиддатидан шу эди-
ки, теварак-атроф подшохлари ва сул-
тонлари гарчи хутбада мустакил ва
пул зарб этишда мустабид, риёсат ва
бошқарувда ягона, идора (қилиш)
ва сиёsat ишлари билан (ўзларича)
машғул бўла туриб, худди Ширвон
ерларининг подшохи Шайх Иброҳим,

Хурсон вилоятлари султони Хожа Али ибн Муайяд ат-Тусий, Исфандиёр, ар-Румий ва Ибн Қарамон, Кирмон ҳокими Яқуб ибн Али Шоҳ, у ҳам Манташо ҳокими, Арзинжон амири Тахартон, Форс ва Озарбайжон султони, Даشت, Хитой ва Туркистон подшохлари, Бадаҳшон марозибалири ва Мозандарон марожиҳалари, хулласи қалом, Эрон ва Турон подшохларидан (Темурга) итоат килганлар унинг ҳузурига келиб, ҳадя ва тухфалар тақдим этсалар, хизматкор ва қуллик остоналарида унинг чодирларидан кўзга чалинадиган жойда адаб ва ҳурмат шартларини адо этиб ўтирадилар. Башарти, Темур улардан биронтасини (кўришни) иро-да этса, фаррошлардан бирини унга юборар ёки улар тарафига чопарини жўнатар эди...

Бўлим

Темур Самарканда кўпдан-кўп бўстонлар барпо қилиб, баланд ва мустаҳкам қасрлар бунёд этди. Улар-

нинг ҳар қайсиси ғаробатли тартибда, кўркам ва ажиб сувратда эди. Бўстонлар асосини мустаҳкам килиб, фахоматли мевали кўчатлар билан уларни безади. Улардан бирини Эрам боғи, иккинчисини Дунё зийнати, яна бошқасини Фирдавс жаннати, унисини Шамол боғи, бунисини Олий жаннат деб атади. Шунингдек, баъзи жойларни буздириб, у бўстонлардан ҳар бири ичида бир қаср қурдирди. Бу қасрларнинг қай бирига ўз мажлисларини, ўз суратини турли шаклларда: бирида кулиб турган, иккинчисида қаҳрланган, ўзи қилган жанглар тасвиirlарини; расмий тантаналардаги суратларини; подшохлар, амирлар, саййидлар, уламолар ва улуғлар билан сухбат курган мажлисларини; султонларнинг унинг хузурида қўл қовушириб туришларини, хизмат юзасидан бошқа мамлакатлардан хузурига келган уларнинг подшоху султонларининг вакилларини, ўзининг ов ҳалқаларию яширин сайдларини, Хинд, Даشت (Кипчок) ва Ажам

жангарию ўз зафарлари суратини, душманларининг кай аҳволда енгилиб қочганини, ўз авлодлари, набиралари, амирлари, кўшинлари суратларини, айшу ишрат мажлислари ва шароблари, қадаҳлари соқийларини, ўз улфати кўшикчиларининг, турли макомдаги ғазалхонлик куйчиларининг, ҳузуридаги севгилиларию (никоҳидаги) пок хонимларининг ва буларнинг бошқа унинг бир-бирига ўхшаб, уланиб кетган, унинг бутун умри мобайнида ўзга мамлакатларда воқеъ бўлган ҳодисалар суратларини тасвирлатди. Булар хаммаси хеч бир нокиссиз ва зиёдасиз, қай тарзда юз берган бўлса, шундайлигича акс эттирилди. Бундан мақсади: ўзининг ишларидан ғойибона хабардор бўлиб, уларни ўз кўзи билан мушоҳада этмаганларга яққол намоён қилиб кўрсатиш эди.

Агар Темур бирор томонга отланиб, Самарқанд (унинг) қўшинларию ёрдамчиларидан холи бўлиб, ўша бўстонлар бўш қолса, шахар ахлидан

бадавлату мискинлар у (бўстон)ларга караб йўл олардилар. Чунки бу боғлардан кўра яхши ва ажойиб дам оладиган, булардан кура роҳатланишга мувофиқроқ ва осойиштароқ жой йўқ эди. Боғлардаги ширин, мазали мевалар эса барчага баб-баравар (текин) эди. Чунки мевалардан бир қинтори ҳам арзимаган баҳога бўлсада, сотилмасди. Шунингдек, Темур Самарқанднинг атрофлари ва этакларида бир неча қасабалар бунёд этиб, уларни шаҳарлар келинчаклари бўлган Миср (Қоҳира), Димашқ, Бағдод, Султония, Шероз каби азим ва марказий шаҳарлар номи билан атади. Самарқанд билан Кеш (Шахрисабз) ўртасида бир бўстон барпо этиб, унда бир қаср қурдирди ва уни Тахта Қорача деб атади. Ҳикоя қиласидиларки, қаср қурувчилиаридан бирорининг бияси йўқолиб, олти ой шу бўстонда ўтлаб юргандан кейин уни топиб олган.

Ибн Халдун
“Таржимаи ҳол”дан
Мўгул-татар султони
Амир Темур билан учрашув

Амир Темур Рум мамлакатини забт этиб, Сивосни харобага айлантирганлиги ва Шомга қайтганлигидан Миср (ахли) хабардор бўлгач, Султон (Фараж) ўз аскарларини тўплади. Девонул-атони очиб, уларга Шомга юришни зълон қилди. Ўта пайтда мен ўз вазифамдан четлаштирилган эдим....

Олдин Мағрибда эканимда (Темурнинг) келиб кетиши ҳакида кўп бағоратлар эшитган эдим. Иккита самовий (жисмнинг) қирони, яъни тўғри келиб-колиши ҳакида гапи-рувчи мунажжимлар, мусалласада (бўладиган) ўнинчи қиронни кутаётган эдилар ҳамда унинг 764 (1374–1375) йилда(содир бўлиши) кутилаётган эди. 761 (1359–1360) йили бир куни Фас (шахридаги) Каравиййин масжи-дидаги Кустантиниялик хатиб Абу Али

Бадисни учратиб қолдим. У (мунажжимлик) илмининг билимдони эди. Кутилаётган кирон ва унинг оқибати хақида ундан сўрадим. У (кирон) шимоли-шарқ томонлардаги чодирларда яшовчи сахройи халқдан кучли лашкарбоши чикиб, подшохликлар ва давлатлар устидан ғалаба қозониб, кўп ерларни забт этишидан далолат эканлигини айтди. Қачон бўлиши хақидаги саволимга “784 (1382–1383) йилда унинг хақидаги хабарлар тарқалади”, – деб жавоб берган эди. Худди шу гапни менга Оврупо подшоси Ибн Алфонснинг табиби ва мунажжими Ибн Зарзар ал-Яхудий хам ёзган эди. Раҳматли шайхим, маъқулот (рационализм)нинг имоми Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Обилий билан ё бу хусусда гаплашганимда, ё сўраганимда, у киши: “Бу яқинда содир бўлади, сен тирик бўлсанг, албатта кўрасан”, – деб жавоб берган эдилар...

... Сиз оламнинг султони, дунёнинг подшохисиз. Одам (Ато) давридан то шу пайтгача Сиз каби подшох

чикқан эмас. Мен ўйламасдан гапирадиганлар (хилидан) эмасман, балки илм аҳлиданман.... Илм аҳлининг аввалгилари ҳам, кейингилари ҳам бирдай иттифокқа келганларки, инсониятнинг кўпчилик қисми икки гурухга бўлинади, яъни араблар ва турклар. Араблар ўзларининг пайғамбари (Мухаммад алайхиссалом) дини (атрофига) бирлашганларида қандай кучли бўлганликларидан сизларнинг хабарингиз бор. Туркларга келадиган бўлсак, уларнинг Эрон подшоҳларига қарши курашлари, подшоҳ Афросиёбнинг (эронликлар) қўлидан Хурсонни тортиб олиши, уларнинг подшоҳликдаги (чукур) илдизларидан шаходатдир. Асабиятда уларга ер юзидағи ҳеч бир подшоҳ, Хусрав ҳам, Қайсар ҳам, Искандар ҳам, Бухтанинаср ҳам teng кела олмайди. Хусрав форсларнинг каттаси ва шоҳидир. Лекин форслар қаердаю турклар қаерда! Қайсар ва Искандар Рум подшоҳларидир. Лекин румликлар қаердаю турклар қаерда! Бухтанинаср бобилийлар ва наботийларнинг

каттасидир. Лекин улар туркларга тенг кела олармиди? Булар ҳаммаси мен бу подшоҳ (Темур) хақида айтган гапларимнинг ёрқин исботидир...

*Мисрга қайтиш
“Магриб подшосига мактуб”дан*

... Бу қавмнинг адади беҳисобдир. Агар миллион десанг муболаға бўлмайди, ундан кам деб айтолмайсан. Агар улар ерга чодир тиксалар, бутун майдонни тўлдиради. Лашкарлари кенг ерда юрса уларга фазо ҳам тор бўлиб колади. Бузғунчилигу ваҳшийлик, ўтрок аҳолини асирга олиб, хар хил азоб бериш (каби хислатлар) уларга ўзлари яшаган муҳитдан ўтган. (Булар) сахрои бадавийларнинг одатларидан эканлиги аниқ ва равшан.

Темур уларнинг энг кучли ва буюк подшоҳларидандир. Баъзилари уни (ҳамма нарсани) билувчи деса, баъзилари унинг ахли байтга хурматини кўриб, роғизий эътиқодли деб ўйлашади. Бошқа бирорлар эса

уни сехр (қилишни) ўрганган дейишади. Лекин бу гапларнинг ҳаммаси хеч нарсага арзимайди. Аслида у ўта ақлли, билимдон, фаросатли, кўп баҳслашадиган, билса ҳам, билмаса ҳам сўзида қаттиқ турадиган (киши эди). Ёши олтмиш-етмишлар ўртасида бўлиб, ўнг тиззаси ишламас эди. Эши-тишимча, ёшлик пайтларида найзадан яраланган экан. Якин масофага у (ўнг оёғини) судраб юради, узок масофага эса уни кишилар қўлларида (кўтариб оладилар).

Мулк Аллохникидур ва уни ўз бандаларидан хоҳлаган кишисига беради.

Клавихо

Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403–1406)


71. Боязид, Мурод ва Темурбек исмларининг маъноси

Темурбек мағлуб этган турк подшосининг номи Алдайри (Елдирим) Боязид, яъни Чакмоқ Боязид деган

маънони англатади. "Чакмок" турк тилида «елдирим» деб аталади. Боязид унинг хақиқий исми эди. Отасини Амират (Мурод) деб атар эдилар... Шунингдек, Темурбекнинг асл исми биз атаганимиздек Темурлан эмас, Темурбекдир. Чунки Темурбек уларнинг ўз тилида «Темир подшо» дегани, подшо эса уларининг тилида «бек». Темурлан юқоридагига батамом тескари маънони англатади. Уни таҳқирлаш маъносида Темурлан, яъни оқсок Темур деб атайдалир...

*Муиниддин Натанэй
Мунтахаб ут-таворихи Муиний
Амир Соҳибқирон салтанат таҳти-
га чиққандан сўнг рўй берган жами
фатҳлар зикри*

Амир соҳибқирон Балхни фатҳ этиш ва у ердаги бошка юмушларни саранжом килгач, жўнаш жиловини доруссалтана Самарқанд тарафга бурди. Ҳар қаердан келган амирларга ўз хошишларига биноан



ватанларига қайтишга рухсат берди. Амир соҳибқирон музни кўприк қилиб, Жайхун дарёсидан ўтди ва Шахрисабзда бир неча кун тургач, Самарқандга йўл олди. У бу табарук шахарни ўзининг тахтгохи қилиб тайинлади ва шахар деворларини курдирди. Унинг шариф зоти истиқомат килмоғи учун бу ерда бир қатор уйлар бино қилишди. Самарқанд қисқа фурсатда шунчалик гуллаб яшнадики, олий жаннатга таъна қилиб, ер юзининг беҳиштига айланди. Шахарнинг теварак-атрофига ҳам куркам боғлар ва дилкаш иморатлар бунёд этишиди. Рубъи маскуннинг барча жойларидан жуда кўп одамлар бу муборак шаҳар томон отланиб, ҳазрат Амир соҳибқироннинг адолати ва марҳамати соясидан паноҳ топишиди.

Ҳазрат сulton соҳибқирон табакаси: унинг тартиби, аҳволи ва хислатлари ҳақида хабарлар

Онҳазратнинг феъли ва ахлоқи, тартиби ва ёсоғи ҳақида андок зикр

қилинади. Унинг мулку миллат ишлари ҳамда дину давлатнинг зарур юмушларини ҳал этиш юзасидан қўрсатган гўзал интилишлари ва тахсинли тиришишлари, Хитой сархадидан то Румнинг узок чеккасига ва Фаранггача, Хинд ўлкаси тугаган жойдан Мағриб ва Занг дарёлари бошланишигача, ... мусаххар ва мусаллам килган ёркин ниятлари ва тўғри тадбирлари тилга олинади....

Девон ишлари тартиби ва сultonлик қилиш тарзлари хакида шундай бир қоидани жорий этдики, у то олам инқирозигача ақли комил вазирлар учун дастур ва тажрибали хокимлар учун ёрлик бўла олади. Унинг давлати ва иқболи юлдузи (балқиши) шу даражада эдики, бир отлик билан бир диёрни олар, бир сўз билан вилоятларни забт этар, таҳдид қилиши биланоқ тиш-тирноғигача куролланган лашкарни тор-мор келтирас, бир дўк билан сон-саноқсиз қўшинни жойидан қўзғатарди... Амир соҳибқирон (умрининг) хакиқий мазмуни ва

унинг номдор уруғи ривоятининг тўғри баёни махфий қолмасинким, ул кишининг қалъаларни олгувчи гурзисининг зарбаси ва жаҳонни забт этувчи киличининг хамласи тақдир тилаги, азал хукми, қазо ва қадар иродасига мувофиқ содир бўлганди. Сиёсатининг қаттиклиги, истилосининг одиллиги ва афзаллиги, лашкар тортмок ва жаҳонни идора қилмок тартиблариким, булар давлат событлигининг муқаддимаси ва абадий саодат бардавомлигининг коидасидир, ул киши томонидан баркарор ва юксак бир даражага етказилган эди...

Унинг дохиёна ва хикматли тадбирларидан яна бири шу эдик, фукаро ва илм толибларининг вакфлар ва мадрасаларга бўлган хукуқларини (хар кимниң) хақига лойик ва вакф қилувчининг шартларига мувофиқ тайин қилас, қатъян ва асло вакф молига дахл этмасди. Вакфлар молидан унинг хазинаси учун хеч нарса олмаслик хақида вазирларга фармон берган эди. Илму

хикмат аҳли ва фан арбобларига
фоятда эътиборли эди. Уларни эъ-
зозу икром қилишда муболағалар
кўрсатарди. Тарих китобларини эши-
тиш орқали қавмлар насаби ва шарҳи
холларини, турк, араб ва ажам под-
шоларининг бўлган жойлари ва
килган ишларини ҳамда бу илмнинг
тармоқларини жуда чукур эгаллаган
эди. Мунаввар кўнгли ва муборак
хотири бир равшан кўзгуга айланган
бўлиб, сирлар акси, фикрлар туви,
ишлар оқибати ва тадбирлар хотимаси
офтоб шуъласи янглиғ унинг наздида
ойдин ва яққол эди. Унинг саодатли
иродаси тасарруфи доирасига кирган
барча мамлакатлардаги майхоналар
ва майфурушлик дўконларини ёптири-
ди. Холбуки, Бағдоднинг “Сук ус-
султон”идан, шунингдек, Табриздан,
Султониянинг узун кўчасидан, Ше-
рознинг “Дор ул-латаф”идан, Кир-
моннинг қуи кўчаси ва Хоразмдаги
майхоналардан ҳар куни бир неча ту-
ман маблағ йигиларди.

Яна унинг мажлисларида илмий масалалар баҳси жуда кўп бўлиб турарди. Нозик масалаларни у яхши тушунар, аксар ҳолларда (унинг фикри) асосли ва тўғри бўлар эди. Тиб ва нужум илмларининг машҳур масалаларида кўпинча хозиржавоблик қиласади. Ахлоқининг гўзаллиги шу даражада эдики, унинг сўзлари ва рафторининг ҳусни жами фазилатлар бобининг дебочаси бўлди. Унинг юриш-туриш тарзи гузал хулклар ва одатлар дафтариning сарлавхаси бўлди. Ўзининг аксар вақтини сайидлар, олимлар ва машойихлар билан суҳбатлашишга сарф қиласади.

*Фасиҳ Аҳмад Ҳавоғий
Мужмали Фасиҳий
Етти юз ўттиз олтинчи
(1335–1336) йил*

Амир соҳибқирон Амир Темур кўрагон ибн амир Тарабой ибн Буркул ибн Илангиз ибн Ижил (ёки Ийжол) ибн Қарочар нўён ибн Сўғу – Сичон ибн Эрдамчи ибн Качўли нўён

ибын Тўманайхон ибын Бойсунғурхон ибын Қайдухон ибын Дутуманихон ибын Бўкахон ибын Бўдончархон (ёки Бўзунжархон) ибын Алонкуво хотун шаъбон ойининг йигирма бешинчиси (1336 йил, 9 апрел)да Кешда туғилди. Унинг туғилиши, тахтга ўтириши ва вафоти хақида бундай дейилган:

Султон Темур – у (шахс)ки, унга ўхшаш подшоҳ бўлмаган.

Етти юз ўттиз олтинчи (1335–1336) ишл дунёга келди.

Етти юз етмиш биринчи (1369–1370) ишл тахтга ўтирди.

Саккиз юз еттинчи (1404–1405) ишл бу дунёни тарқ этди.

Алишер Навоий *Мажолис ун-нафоис*

Еттинчи мажлис

*Салотини изом ва авлоди во-
жуб ул-эҳтиромлари зикридаким,
баъзи яхши маҳалларда хуб байт
ўқубтурларким, филҳақиқат ўзлари
айтқондек хубдур ва баъзи назм ла-*

*тойиғига машғул бўлубтурларким,
ул доги матлуб ва маргубдур*

Мулук шажарларининг бустони
ва салотин гавҳарларининг уммони,
хоқони жаҳонгири соҳибкирон, яъни:

*Темур кўрагон – агарчи назм
айтмоқка илтифот қилмайдурлар,
аммо назм ва насрни андок хуб
маҳал ва мавкеъда ўкубдурларким,
авингдек бир байт ўкуғони минг
яхши байт айтконча бор. Табаррук
хайсиятидинким, ул ҳазратнинг му-
борак исми бу муҳтасарда бўлғай ва
ул латойифдин бири била ихтисор
килиур...*

...Ул ҳазратнинг ғазаби лутфқа
мубаллад бўлиб, фазл ва камол ахли
сари боқиб, бу мисраъни ба вакт
ўкудиким:

Абдол зи бийм чанг бор мусҳаф зад.

(Таржимаси: Қаландар қўрқувдан
Куръонга чанг солди)

Заҳириддин Мұхаммад Бобур

Бобурнома

*Вақоиъи санайи салос ва тисъа миа
Түккүз юз учинчи (1497–1498) йил
воқеалари*

Рубъи маскунда Самарқандча латиф шахр камроқдур. Бешинчи иқлиминдур... Шахри Самарқандтур, вилоятини Мовароуннахр дерлар. Хеч ёғий қаҳр ва ғалаба била мунга даст топмағон учун балдайи маҳфузадерлар. Самарқанд ҳазрати амирул мўъминин Усмон замонида мусулмон бўлғондур. Саҳобадин Кусам ибн Аббос анда борғондур. Қабри Оҳанин дарвозасининг тошидадур. Ҳоло Мозори Шоҳға машҳурдир. Самарқандни Искандар бино қилғондур. Мўғул ва турк улуси Семирканд дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улур подшоҳ Самарқандни пойтахт қилғон эмастур. Кўрғонини, фасилнинг устидин буюрдумким, қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқти.



ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Манбалар:

Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи съдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд биринчи кисм. 1405–1429 йиллар воқеалари. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. –Т.: Ўзбекистон, 2008.

Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи съдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд иккинчи ва учинчи кисмлар. 1429–1470 йиллар воқеалари. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. –Т.: Ўзбекистон, 2008.

Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис // *Алишер Навоий.* Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 13-том. Матни нашрга тайёрловчи С. Фаниева. – Т.: “Фан”, 1997.

Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли (Таржимаи хол). Нашрга тайёрловчи Ашраф Ахмад. –Т.: Нур, 1992.

Амир Темур Кўрагон. Киссаи Темур ("Малфузоти Темурий"). Нашрга тайёрловчилар: Х. Бобобеков, Х. Бобоев, А. Куранбеков. –Т., 2000.

Амир Темур Кўрагон. Темур киссаси ("Киссаи Темурий", "Темур эсдаликлари", "Малфузоти Темурий"), Нашрга тайёрловчилар: Х. Бобобеков, Х. Бобоев, А. Куранбеков, З. Бобокалонов. –Т.: Фан, 2004.

Амир Темур ва Улугбек замондошли-ри хотирасида. Б. Ахмедовнинг илмий таҳрири остида. –Т.: Ўқитувчи, 1996.

Амир Темур аждодлари (Шарафуддин Али Яздиининг "Зафарнома" асаридан). Форс тилидан О. Бўриев таржимаси. –Т.: Комуслар Бош таҳририяти, 1992.

Амир Темур васияти. Нашрга тайёрловчи: Тўра Мирзо. – Тошкент: Faфур Гулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.

Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. –М.: Издательство восточной литературы, 1958.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. П. Шамсиев, С. Мирзаев ва Э. Мано нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи С. Ҳасанов. –Т.: Шарқ, 2002.

Иbn Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. [Ажониб ал-Макдур фи тарихи Таймур (Те-

мур тарихида таклир ажойиботлари)]. I-II китоблар. Араб тилидан У. Уватов таржимаси. –Т.: Мехнат, 1992.

Мирза Мұдаммад Хайдар. Тарихи Рашиди. Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р. Джалиловой, Л. Епифановой. –Т.: Фан, 1996.

Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. Форс тилидан Б. Аҳмедов, Н. Норқулов ва М. Ҳасаний таржимаси. –Т.: Чўлпон, 1994.

Муиниддин Натанзий. Мунтахаб уттавориҳи Муиний (Муиний тарихлари танланмаси). Форс тилидан Ғулом Каримий таржимаси. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

Мұдаммад Хайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. В. Раҳмонов ва Я. Эгамова таржимаси. –Т.: Шарқ, 2010.

Низомиддии Шомий. Зафарнома. Форс тилидан Ю. Ҳакимжонов таржимаси. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403–1406). Перевод со староиспанского И.С Мироковой. –М. Наука, 1990.

Руи Гонсалес де Клавихо. Самарканда – Амир Темур саройига саёхат кундалиги (1403–1406 йиллар). Рус тилидан О. Тоғаев таржимаси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.

[Салоҳиддин Тошкандий.] Темурнома (Амир Темур Кўрагон жангномаси). Нашрга тайёрловчи П. Равшанов. –Т.: Чўлпон, 1990.

Темур тузуклари (ўзбек, инглиз, француз т.). Форсчадан А. Соғуний ва Х. Кароматов таржимаси. Инглиз тилига М. Деви таржимаси. Француз тилига Л. Лангле таржимаси. –Т.:Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.

Темурийлар бунёдкорлиги давр манбалирида. Тузувчилар: А. Ўринбоев, О. Бўриев. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1997.

Уложение Тимура. –Т.: Фан, 1968; –Т.: Чўлпон, 1992.

Фасих Ҳавафи. Муджмал-и Фасихи (Фасихов свод). Перевод с персидского Д. Юсуповой. –Т.: Фан, 1980.

Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома (Мовароуннахр воқеалари. 1360–1370). Форс тилидан О. Бўриев таржимаси. Масъул муҳаррир ва нашрга тайёрловчи А. Ўринбоев. –Т.: Камалак, 1994.

Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Форс тилидан эски ўзбек тилига Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий таржимаси. Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи А. Аҳмедов, Х. Бобобеков. –Т.: Шарқ, 1997.

Ўринбоев А. Абдураззок. Самаркан-дийнинг Ҳиндистон сафарномаси. -Т.: Фан, 1960.

Хофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома (Шарафномайи шохий). 2-китоб. Форс тилидан С. Мирзаев ва Ю. Ҳакимжонов таржимаси. - Т.: "Шарқ", 2000.

Адабиётлар:

Каримов И. Туркистон - умумий уйимз. -Т.: Ўзбекистон, 1995.

Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсиазликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.

Каримов И. Тарихий хотирасиз кела-жак йўқ. -Т.: Шарқ, 1998.

Абдурашмов М. Темур ва Тўхта-миш. -Т.: Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.

Абдураҳмонов А. Улурбек академияси. -Т.: Комуслар Бош таҳририяти, 1994.

АЗамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тари-хи. -Т.: Шарқ, 2000.

Алимов Ў. Амир Темур давлати бай-роғи // «Мозийдан садо», 2010, №2-3.

Амир Темур жаҳон тарихида. Ил-мий гуруҳ раҳбари Н. Ҳабибуллаев. -Т.: Шарқ, 1996.

Ашраф Аҳмад. Улугбек Мухаммад Тарағай (1394–1449). –Т.: Абдулла Ко-дирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994.

Аҳмедов Б., Мукминова Р., Пугаченко-ва Г. Амир Темур (Жизнь и общественно-политическая деятельность). –Т.: Универ-ситет, 1999.

Бўриев О. Темурийлар даври ёзма ман-баларида Марказий Осиё. –Т.: Ўзбекистон, 1997.

Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. –Т.: Ёзувчи, 1996.

Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Рус тилидан А. Маҳкамов таржимаси. –Т.: Фан, 1994.

Исмоил Ақа. Буюк Темур давлати. Туркчадан Т. Каҳхор таржимаси. –Т.: Чўлпон, 1996.

Люсьен Кэрэн. Амир Темур салтанати. Француз тилидан Б. Эрматов таржима-си. –Т.: Маънавият, 1999.

Муҳаммаджонов А. Темур ва Тему-рийлар салтанати (Тарихий очерк). –Т.: Комуслар Бош таҳририяти, 1994; 2-наш-ри. –Т.: Комуслар Бош таҳририяти, 1996.

Муҳаммаджонов А. Амир Темур. –Т.: Ahu matbuot-konsalt, 2011.

Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида туттган ўрни ва роли. –Т.: Фан, 1968.

Нуриддинов М. Бобурийлар сулоласи. –Т.: Фан, 1994.

Темур ва Улубек даври тарихи. Бош мухаррир А. Аскаров. –Т.: Комуслар Бош таҳририяти, 1996.

Уеватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. –Т.: Шарқ, 1997.

Файзиев Т. Темурийлар шажараси. –Т.: Ёзувчи – Хазина, 1995.

Файзиев Т., Муҳаммадхўжаева Н. Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган темурий шаҳзодалар. –Т.: Мерос, 2002.

Холбеков М. Амир Темурнинг Европа кироллари билан ёзишмалари. – Самарканд, 1996.

Череванский В. Амир Темур. Болалиги. Жанговар йўли. Вафоти (тарихий роман). Русчадан Хуршид Дўстмуҳаммад ва Амирқул Карим таржимаси. –Т.: Ёзувчи, 1993.

Хабибуллаев А. Амир Темур ва ибн Халдун. –Т.: Ўзбекистан Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт нашриёти, 2002.

Хайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1996.



МУНДАРИЖА

<i>Сўзбоши</i>	4
Соҳибқироннинг туғилиши ва тарих шоҳсупасига чиқиши	6
Мовароуннахр учун кураш	16
Амир Темур – марказлашган давлат асосчиси.....	27
Амир Темур – Турон давлати хукмдори	37
Туron мамлакати хавфсизлиги йўлида.....	56
Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ва саркардалик махорати	65
Давлат бошқаруви.....	75
Мамлакат ободонлиги.....	83
Амир Темур дипломатияси.....	91
Амир Темур ва авлодлари шажараси.....	98
Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни	99
<i>Амир Темур васияти</i>	106

<i>"Темур түзуклари"</i> дан	108
Темурийлар даври манбаларыда	
Амир Темур тавсифи	125
<i>Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-макдур</i>	
фи тарихи Таймур (Темур	
тарихида тақдир ажойиботлари)	125
<i>Ибн Халдун. "Таржимаи ҳол"</i> дан	136
<i>Клавихо. Самаркандга – Амир</i>	
Темур саройига саёхат кундалиги	
(1403–1406)	140
<i>Муиниддин Натанзий. Мунтажаб</i>	
ут-таворихи Муиний.....	141
<i>Фасиҳ Аҳмад Ҳавоғий.</i>	
Мужмали Фасиҳий.....	146
<i>Алишер Навоий. Мажолис</i>	
ун-нафоис	147
<i>Заҳириддин Муҳаммад Бобур.</i>	
Бобурнома	149
<i>Фойдаланилган манба ва</i>	
<i>адабиётлар руйхати.....</i>	150

Тарих ва шахс

Илмий-оммабот нашр

АБДУЛАХАД МУҲАММАДЖОНОВ,
КАҲРАМОН РАЖАБОВ

АМИР ТЕМУР

(Рисола)

Муҳаррир Алишер Саъдулла

Бадний муҳаррир Р. Зуфаров

Техник муҳаррир ва саҳифалоячи

Д. Габдрахманова

Мусаххих С. Салоҳутдинова

Нашриёт лицензияси AI № 158.14.08.09.

Босишига 2013 йил 4 апрелда руҳсат этилди.

Бичими 70x108^{1/4}. Офсет корози. «Virtec

Peterburg» гарнитурасида. Офсет босма усулида
босилди. Шартли босма табори 3,5. Нашр
табори 3,26. Адади 2000 нусха.

Буюртма №13-23.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

М-81 Муҳаммаджонов А.

Амир Темур: / А.Муҳаммаджонов,
К.Ражабов; мухаррир А.Саъдулла. –
Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 160 б. –
(Тарих ва шахс).

ISBN 978-9943-01-908-9

Ушбу риссолада йирик давлат арбоби ва сар-
карда сохибқирон Амир Темурнинг ҳаёт йўли, за-
фарли ҳарбий фаолияти, шахсияти, унинг сиёсий
фаолияти, жаҳон давлатчилиги тарихида туттган
ўрни содда ва қизнқарли услубда ёритилган.

Рисола кенғ китобхонлар оммасига мўлжал-
лавган.

**УЎК: 94(575)(092) Амир Темур
КБК 63.3(5Ў)4**